

ДАВЛАТ ВА МИЛЛАТ РАМЗЛАРИ

КОНСТИТУЦИЯ

**РЕСПУБЛИКА ҲУҚУҚИЙ МАЪРИФАТ ТАРҒИБОТИ
МАРКАЗИ**

КОНСТИТУЦИЯ

**Тошкент
“Адолат”
2003**

Конституция.-Т.: “Адолат”, 2003.-56 б.
 – (Давлат ва миллат рамзлари).

Сарлавҳада: Республика ҳукукий маърифат тарғиботи маркази.

ББК 67.400.1(5 У)

Мустақиллик насими сезила бошлаши билан давлатимиз раҳбари бошчилигида мутахассислар, депутатларнинг бир ярим йиллик астойдил ижодий изланишлари, хорижлик экспертлар билдирган ҳолис фикрлар, кенг умумхалқ муҳокамасининг самараси ўларок бугунги Асосий Қонунимиз вужудга келди.

Бош Қомусимизга мувофиқ яшаб, илғор мамлакатларнинг халқлари эришган турмуш даражасига сазовор бўлиш ўзимизга боғлиқ. Бу ҳар бир фуқародан энг аввало, унинг мазмун-моҳиятини тушуниб етиб, ўзининг ҳаётий қўлланмасига айлантиришни талаб қилади.

Зотан, қўлингиздаги китобча ҳам шундайди.



К 1203000000 – 008 – 003
 (04)-2003

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Адолат” нашриёти, 2003 й.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВ
АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ
ҲАҚИДА**

ЎЗБЕКИСТОН – КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ

...Сиз билан биз ҳозир, мураккаб ва масъулиятли тарихий даврни бошимиздан кечираёпмиз. Шубҳасиз, эркини қўлга киритган ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият бунёд этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Биз ҳам республикамизнинг миллий давлатга хос бўлган ижтимоий-иқтисодий, маънавий камолот ва тараққиёт йўлини белгилаяпмиз. Шу билан бирга, барқарор ва ҳалол бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сийёсатга асосланган демократик ҳуқуқий давлатни, фуқаролик жамиятини барпо этамиз. Ҳозир яшаб турганларнинг қисматигина эмас, биздан кейин ҳам шу ерда яшайдиган фарзандларимиз ва набираларимизнинг, дунёга келajak авлодларнинг тақдири ҳам биз қандай давлат қуришимизга боғлиқдир. Биз қурадиган жамият Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий кадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тикланиши, инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлаши керак.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг <...> биринчи Конституцияси шу эзгу мақсаднинг ҳуқуқий кафолати бўлажак.

Биз ўз тараққиёт йўлимизни Конституция асосида белгилаб олишимиз лозим. Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ.

...Табиийки, ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Конституция халқнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсулидир. Сабаби – унинг лойиҳаси устида тахминан икки йил давомида ишладик. У икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди, халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилди, сайқал топди...

Янги Конституциямизнинг ижобий жиҳатлари, янги томонлари, аввалги Конституциялардан фарқлари нималардан иборат? Авваламбор, бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи – инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда «**фуқаро-жамият-давлат**» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик.

Лойиҳа инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдигаги юксак масъулиятни англаш, Ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий жамият барпо этиш ва, ниҳоят, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни кафолатлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлади.

Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, давлат халқнинг иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади.

Биз сўнги етмиш йил ичида давлатга қарамлик ва сиғиниш ҳолатида яшадик. Мамлакатнинг, ундаги барча бойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат, деб ҳисоблаб келдик. Ана шу масалада ҳам Конституцияда туб бурилиш ясалган. Яъни «давлат, унинг идоралари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар». Собик тоталитар давлат шароитида бундай фикрни ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтира олмасди. Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси – барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидир. Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи шуни англатадики, бунда барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади. Улуғ бобокалонимиз Амир Темур айтганларидай: «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади».

Ниҳоят, Конституция махсус тарзда муҳофаза қилинади. Айнан шу мақсадда Ўзбекистон тарихида биринчи марта Конституциявий суд жорий этилмоқда.

Ўзбекистон ўз миллий манфаатларига мос келадиган фаол ташқи сиёсат юритиши, бунда халқро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ҳаракат қилиши Конституцияда мустақамлаб қўйилган. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч сиёсий воситалар билан

ҳал этиш, ички ишларга аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган бошқа қоидалари ва нормаларига амал қилиш заминига қурилган.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари соҳа-сида Конституцияда талайгина ижобий жиҳатлар мавжуд. Бу бо-рада лойиҳа Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг де-ярли барча принципиал қоидаларини ўзига сингдирган. Инсоннинг ҳаёти, шахси ва эркинлиги дахлсиздир.

Фуқаролар билан давлат ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар орқали узвий боғлиқдирлар. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, ҳеч ким уларни суднинг қарорисиз маҳрум этиши ёки чеклаши мумкин эмас. Айни вақтда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг, дав-лат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги лозим.

Асосий Қонун лойиҳасининг «Жамият ва шахс» деб номланган учинчи бўлимида жумҳурият иқтисодиёти мулкчиликнинг хилма-хил шакллари тенглигини таъминлаган ҳолда бозор муносабат-ларини шакллантиришга қаратилган тадбирларга таяниши, ху-сусий мулкнинг ҳимоя қилиниши таъкидланади. Мақсад – иқтисо-диётни ўта марказлаштирмаслик ҳамда яккаҳоқимликка барҳам беришдан, корхоналар, ташкилотлар ва хусусий тадбиркорларнинг мустақиллигини кенгайтиришдан иборат. Давлатнинг хўжалик фаолиятига яккаҳоқимчилик тарзида аралашувига чек қўйилади, иқтисодий фаолият эркинлиги таъминланади.

Янги ҳужжатда ишбилармонлик ташаббусига ва эркин бозор муносабатларига кенг йўл очилган. Ўз мулкига ўзи хўжайин бўл-ган кишилар эса ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг асосий та-янчи бўлиб хизмат қиладилар.

Давлат сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади, уларга ижтимоий турмушда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий эркинлик яратиб беради. Айни вақтда яккаҳоқимликка интилишларга ва бир маф-кура имтиёзли бўлиб қолишига йўл қўймаслик керак. Зеро, Ўзбе-кистоннинг давлат мустақиллигига, ҳудудий яхлитлигига ва хавф-сизлигига раҳна соладиган, миллий ва диний адоватни авж олди-радиган, уруш ва зўровонликни тарғиб қилувчи, Конституциявий тузумга, халқнинг демократик эркинликларига ва маънавиятига тажовуз қиладиган партиялар ва жамоат ҳаракатлари қонундан ташқари бўлиши лозим.

Конституция лойихасида хурфикрлик, виждон ва диний эътиқод эркинлиги масалаларига катта эътибор берилган. Диннинг халқимиз маънавиятига, рухиятига ўтказаетган ҳаётбахш таъсирини кўриб турибмиз. Диннинг тарбиявий аҳамияти янада кўпроқ бўлиши лозим. Ҳар бир инсон ўз эътиқодига ва динга амал қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга.

Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби ваколатларнинг тақсимланиш принципи асосида амалга оширилади. **Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти – давлатнинг учта асосий таянчидир.**

Лойихада ана шу учта ҳокимият идораларининг ўзаро уйғун фаолият воситалари, шунингдек, бу идораларнинг ўзаро бир-бирини тийиб туриш тизимини вужудга келтирувчи қоидалар мусс-таҳкамланди. Лойихада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Ўзбекистон Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг, суд ҳокимияти идоралари бўлиши: Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳўжалик судининг ваколатлари мукамал белгилаб қўйилган.

Асосий Қонун лойихасида Ўзбекистоннинг таркибига Кирувчи Қорақалпоғистон республикасига алоҳида боб бағишланди.

Ўзбекистон Қорақалпоғистон Республикасининг мақомини тан олади ва унинг суверенитетини муҳофаза этади. Ўзбекистон билан Қорақалпоғистоннинг ўзаро муносабатлари ҳар икки республика ўртасида тузиладиган шартномалар ва келишувлар асосида тартибга солинади. Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари Қорақалпоғистон ҳудудида ҳам мажбурийдир.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, янги Конституция лойихасини яратишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларига, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясига, халқаро ҳуқуқнинг барча эътироф этган қоидаларига қатъий амал қилинди. Шунингдек, ривожланган демократия мамлакатлари ҳисобланмиш Америка Қўшма Штатлари, Япония, Канада, Германия, Франция, Португалия, Италия, Швеция, Туркия, Испаниянинг ҳамда Шарқ мамлакатлари – Ҳиндистон, Покистон, Миср давлатларининг Конституция тажрибасидан ижодий фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойихаси – зўр сиёсий, ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга молик ҳужжатдир. У жаҳон

майдонида янги суверен давлат – Ўзбекистон давлати дунёга келиб, фаол яшаётгани ва меҳнат қилаётганидан дарак беради.

...Хур Ўзбекистонимизнинг тарихида биринчи Конституцияни қабул қилиш – жумхуриятимизнинг янгидан туғилишидир, ҳақиқий мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевор қуришдир.

Қабул қилинган Конституциямиз Асосий Қонунимиз сифатида давлатни давлат қиладиган, миллатни миллат қиладиган қонунларга асос бўлиши муқаррар...

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида 1992 йил 8 декабрда сўзланган нутқдан

КОНСТИТУЦИЯМИЗ МАЪНОЛАР ХАЗИНАСИДАН

Конституция (лот. *constitutio* - тузилиш, қурилиш) - давлатнинг асосий қонуни, мамлакатнинг ижтимоий ва давлат тузилишини, сайлов тузилиши, ваколатли давлат ҳокимият органларининг тузилиш тартиби ва фаолият принциплари, бошқариш усулларини, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи олий мақомли ҳуқуқий ҳужжат. Конституция давлатнинг барча қонунлари асоси, пойдеворидир.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституцияси ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. Унга Олий Кенгашнинг XIV сессиясида 1993 йил 28 декабрда, иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида 2003 йил 4 апрелда ўзгартишлар киритилди.

БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

...Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода Асосий Қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир.

Асосий Қонунимизни баҳолашда АҚШ, Буюк Британия, Франция, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши каби нуфузли давлат ва халқаро ташкилотларнинг олимлари фаол қатнашдилар. Лекин ҳеч ким, ҳаттоки бизни хуш кўрмайдиган кишилар ҳам унинг демократик моҳиятини инкор эта олмади.

Табиий бир савол туғилади: хўш, бунинг сабаби нима?

Биринчидан, бизнинг Конституция ҳақиқатан ҳам демократик Конституциядир. Тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужжассам этган ҳужжатдир. Иккинчидан, бизнинг Конституция энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган, у дунё микёсида ҳам ҳар қандай илғор давлат Конституцияси билан бемалол куч синашмоқда.

Шу билан бирга бу Конституция, умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар, Хўжа Аҳмад Яссавий бобомиз даврида, буюк Амир Темур замонида шаклланган миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ўзида акс эттиради. Шу кўҳна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантлиқ каби улуғ хислатлар бу муборак ҳужжатдан муносиб ўрин олган.

...Бизнинг Конституциямиз эски тоталитар-мустабидлик тузумидан, ўзини ҳаётда мутлақо оқламаган, касодга учраган, миси чиққан тизимдан воз кечиб, янги, замонавий ва эркин ҳаётга интилишимизга, мана шу янгидан қураётган ҳаётимизни ҳар тарафлама ҳимоя этишимизга хизмат қилади.

Ҳақиқатдан ҳам, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг Конституциямиз умуминсоний ғоялар – тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуғ ғояларга хизмат қилади.

Янги Конституциямизнинг энг муҳим моҳияти шундан иборатки, унда “Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар” дейилган, яъни, фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва кафолатланган. Собиқ тоталитар тузум шароитида бундай фикрни ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтира олмас эди. Бугун эса инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас бўлиб, давлат ҳимоясидадир.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида Конституциямизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча асосий ғоя ва қоидаларини ўзига сингдирган. Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир шахс фуқаролик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганидан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир. Фуқаролик ҳар бир шахсга республиканинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий турмушида мумкин қадар тўлароқ иштирок этиш имконини беради. Чунончи, шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилар экан, бу билан у Конституциямиз ва қонунларимизда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади. Шунингдек, у маълум бурчларни ҳам бажаришга мажбурдир. Табиийки, Ўзбекистон давлати ҳам фуқароларнинг манфаати ва эркинликларини республика ҳудудида ва унинг ташқарисида ҳамоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Ўзбекистон фуқаролари, ўзларининг насл-насаби, ирқи, миллатидан ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, тенг ҳуқуққа эгадирлар. Конституциямиз Ўзбекистон фуқароси деб ҳисобланган барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва миллий анъаналари ҳурмат қилинишини кафолатлайди.

Конституцияда ҳурфикрлик, виждон ва диний эътиқод эркинлиги масалаларига ҳам катта эътибор берилган. Бу эса республика-мизда шаклланган урф-одатларга, халқимизнинг теран маънавий анъаналарига батамом мос келади. Диннинг халқимиз маънавиятига, руҳиятига ўтказаетган ҳаётбахш таъсирини кўриб турибмиз. Инсоннинг покланишида, жамиятни руҳий-ахлоқий жиҳатдан соғломлаштириш борасида ислом динининг ижобий таъсири каттадир. Буни ҳаммамиз яхши тушунишимиз лозим.

Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажралган ҳолда, қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди. Ҳар бир инсон ўз эътиқодига ва хоҳлаган динига амал қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга.

Янги Конституциямизнинг муҳим жиҳатларидан бири шуки, давлат ҳокимиятининг тузилиши ва фаолият тартиби ваколатларни тақсимлаш тамойили асосида амалга оширилади.

Улуғ бобокалонимиз Амир Темур “Қаерда Қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади” деган сўзларини тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёздирган эди. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти – давлатнинг учта асосий таянчидир.

Конституцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Ўзбекистон Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг, Суд ҳокимияти идоралари бўлмиш – Конституциявий суд, Олий суд ва

Олий ҳўжалик судининг ваколатлари аниқ-равшан белгилаб қўйилган.

Қонун чиқарувчи ҳокимият Олий Мажлис томонидан, ижроия ҳокимият эса, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Суд ҳокимияти Конституциявий, Олий суд ва Олий ҳўжалик суди томонидан амалга оширилиб, улар биргаликда республиканинг ягона суд тизимини ташкил этади.

Конституцияда жойлардаги давлат ҳокимияти органларига алоҳида эътибор берилган. Ўз-ўзини бошқариш тамойилларини мустақамлаш билан бир қаторда маҳаллий ҳокимиятнинг бошлиғи – ҳоким лавозими жорий этилади. Муайян ҳуқуқларга эга бўлган маҳаллий ҳокимият – халқ депутатлари кенгашларига, шунингдек, ижроия ҳокимиятига вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари раҳбарлик қиладилар.

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда маҳаллий ҳокимият ўз-ўзини бошқариш органлари шаклида амалга оширилади. Фуқароларнинг бундай йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланади.

Асосий қонунимиз Ўзбекистон таркибидаги Қорақалпоғистон Республикасининг мақомини тан олади ва унинг суверенитетини муҳофаза этади. Қардош Қорақалпоғистон ҳам ўзининг Асосий қонунини қабул қилди. Ўзбеклар билан қорақалпоқларнинг абадий бирлиги ва қон-қардошлигини тасдиқлади.

Конституциямизда коммунистик мафкура, синфийлик, яккапартиявийлик иллатларидан асар ҳам йўқ.

Давлат сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг, шу жумладан касаба уюшмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади. Бундан ташқари, давлатга жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб бериш вазифаси ҳам топширилган.

Асосий қонунимизда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади, дейилган. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси мақомига кўтарилиши мумкин эмас. Бу Конституциявий қоида бизнинг олдимизга миллий истиқлол мафкурасини яратиш вазифасини қўяди.

Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка

ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдиришга хизмат қилиши лозимлигини ҳеч қачон унутмайлик. Унда жамиятимиздаги барча кучлар, ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари, аҳоли турли табақаларининг ўй-фикрлари, орзу-умидлари ўз ифодасини топтоғи лозим. У давлатимиз фуқароларини улуғ мақсад йўлида қалбан бирлаштиришга кўмаклашиши керак.

Биз эркин демократик жамият қурмоқчимиз. Биз халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тан оламиз ва ҳурмат қиламиз. Биз мамлакатларнинг ҳуқуқий яхлитлигини ва суверенлигини ҳурмат қиламиз. Биз барча можароларни музокаралар, сиёсий йўл билан ҳал этиш тарафдоримиз. Биз тараққиёт фақатгина иқтисод, маданият, савдо-сотик ва маърифат соҳаларидаги алоқалар воқеасида амалга оширилишини истаимиз.

Бу тамойиллар Ўзбекистон ташқи сиёсатининг негизини ташкил этади.

Конституциямизнинг муҳим бир банди Оллоҳ таоло ато этган энг улуғ неъмат – инсоннинг яшаш ҳуқуқи ҳақида...

Ҳаётда шундай воқеалар бўладики, уларнинг аҳамияти вақт ўтган сари ортиб бораверади. Конституциямизнинг қабул қилиниши, унинг байрами куни ҳам ана шундай воқеалар сирасига киради ва бу мўътабар Қомус – Асосий Қонун қабул қилинган кун мустақил Ўзбекистон тараққиётида, ҳеч шубҳасиз, бутун бир тарихий даврнинг гултожи бўлиб қолажак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали маросимида 1993 йил 7 декабрда сўзланган нутқдан

КОНСТИТУЦИЯМИЗ МАЪНОЛАР ХАЗИНАСИДАН

Республика (лот. *respublica* - жамоатчилик, умумхалқ иши) - давлат бошқаруви шакли; бунда давлат ҳокимияти маълум муддатга сайланган ҳокимият органлари томонидан амалга оширилади. Ҳокимиятнинг барча органлари, жумладан давлат бошлиғи сайлаб қўйилади ёки умумхалқ вакиллик муассасаси (парламент) томонидан тайинланади, фуқаролар шахсий ва сиёсий ҳуқуқларга эга бўлади. Бошқарувнинг республика шаклидаги президентлик республикаси, парламентар республика, аралаш типдаги (ярим президентлик) республикалар бир-биридан фарқ қилади.

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ ТАНТАНАСИ

...Конституция жамият ҳаётининг пойдевори, мамлакатимизда қарор топган тинчлик, осойишталик ва миллатлараро тотувликнинг асосидир. Ишонаманки, унинг кечаётган қунимизга таъсири, озодлигимиз, эркинлигимизнинг ҳуқуқий қафолати эканини шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир фуқаро сезиб, ҳис этиб турибди.

Мен кеча йирик халқаро ташкилот – Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Будапештда ўтган мажлисида иштирок этиб келдим. Шуниси диққатга сазоворки, жаҳондаги 53 та давлатни ўзида бирлаштирган мазкур кенгаш ишида Ўзбекистоннинг ҳам тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қатнашиши барчамизни қувонтирди, бу Ватанимизнинг дунёда ўз ўрни, овозига ва нуфузига эга бўлиб бораётганидан шаҳодат беради.

Баъзиларда Ўзбекистон Осиё китъасида бўлса, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашида иштирок этишидан қандай манфаат бор, деган савол туғилиши мумкин. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, 1975 йилда 33 давлат иштирокида ташкил топган бу халқаро кенгаш таркиби йиллар оша кенгайиб бормокда. Модомики, биз янги жамият, озод ва обод ватан қурмоқчи эканмиз, жаҳондаги, хусусан, Европадаги тараққий этган давлатлар тажрибасидан имкони борича фойдаланмоғимиз керак. Бундан ташқари, ана шу давлатларнинг иқтисодий салоҳияти, ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш имконияти бағоят катта. Буни ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак. Мухими, мазкур халқаро ташкилотнинг асосий мақсади нафақат Европада, балки бутун дунёда осойишталик, тинчликни қарор топтириш, моддий фаровонликка эришмок бўлиб, бу ғоялар бизнинг энг олий мақсадларимиз билан муштаракдир. Қолаверса, ана шундай улкан анжуманларда фаол иштирок этиш, давлатга жаҳон аҳлини ўз овози, нияти ва сиёсатидан воқиф этиш имконини беради. Обруйига обрў қўшади.

Биз бу кенгаш ишида қатнашар эканмиз, қандай масалаларни ўртага қўйдик? Биринчидан, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши фақат Европага доир муаммолар билан чекланиб қолмаслиги, балки Марказий Осиёда ташкил топган мустақил давлатлар, уларнинг муаммолари билан ҳам изчил шуғулланиши керак, деган таклифни айтдик. Хусусан, собиқ Югославиядаги мамлакатлар билан бир қаторда оғир вазиятни бошдан кечираётган

Тожикистонга ҳам инсонпарварлик ёрдами ажратилиши лозим. Шунингдек, Тожикистон ва Афғонистондаги вазиятга, умумжаҳон муаммосига айланган Орол фожиасига ҳам мазкур нуфузли ташкилотнинг эътиборини яна бир бор жалб этдик, бу борада амалий ишларга ўтиш вақти етганини таъкидладик.

Тараққий этган давлатларда сафарда бўлсам, у ердаги тўкин ҳаёт, фаровон турмушни кўриб, беихтиёр тарихни эслайман... Шунда буюк марказлашган давлат бунёд бўлиб, Туронзамин гуллаб-яшнаган, бу ерда яшаган халқлар дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган даврларда Европа қандай аҳволда эди, нега тарих ғилдираги чаппа айланиб кетиб, биз тараққиётнинг пастки ўринларига тушиб қолдик, деган саволлар ҳаёлимдан ўтади.

Ана шу вазиятдан чиқиб олишнинг, ҳар бир фуқарога муносиб турмуш шароити яратиб беришнинг йўли борми? Менимча, биз мана шу азиз юртимизнинг ҳар бир фарзанди қуйидаги учта шартга амал қилсак, иншоолох, буюк орзуларимизга эришгаймиз. Авваламбор, толеимизга шукрона айтишимиз керакки, гўзалликда дунёда тенгсиз юртимиз, меҳнаткаш халқимиз бор. Уларни асрашимиз, авайлашимиз, керак бўлса, бу йўлда кўксимизни қалқон қилишимиз зарур. Иккинчидан, ҳар бир ватандошимиз, миллати, тили, дини, мавқеи ва мансабидан қатъи назар, Ватан менга нима берди деб эмас, балки мен Ватанга нима бердим, унинг равнақи йўлида нима иш қилдим, деган эътиқод билан яшаши лозим. Учинчидан, энг катта бойлигимиз – диёримизда қарор топган осойишталик, ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек авайлашимиз шарт. Бусиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Ота-боболаримиз "Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кетади", деб бежиз айтишмаган.

Ўтиш даврининг мураккабликлари, шу боис иқтисодий аҳволимиз ҳали кўнглимиздагидек эмаслиги, халқимиз вазиятни тушуниб сабр-тоқат билан ҳаёт кечираётгани маълум<...> Бунинг учун улардан миннатдор бўлишимиз лозим. Лекин ҳеч ким мустақилликка, ҳурликка осонлик билан эришган эмас. Бу ҳақиқатни ҳам унутмайлик.

Мен Ўзбекистонни 23 миллионли улкан оила деб тасаввур этаман. Биз ҳамжиҳат бўлсак, ўз кучимизга, табиий ва илмий салоҳиятимизга таяниб иш кўрсак, ёруғ кунларга албатта етамиз, авлодларга орзу этганимиз – овоз ва обод ватан қолдирамиз! Бунга

Конституциямиз халқимизнинг хошиш-иродаси сифатида асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг икки йиллигига бағишланган тантанали маросимда 1994 йил 7 декабрда сўзланган нутқдан

КОНСТИТУЦИЯМИЗ МАЪНОЛАР ХАЗИНАСИДАН

Суверен (фран. *souverain* - олий, юқори) - олий ҳокимиятни амалга оширувчи, суверенликка, мустақилликка эгалик. **Суверенитет** (фран. *Souverainete*, нем. *Souveranitat*, - олий ҳокимият) - давлатнинг ташқи ишларда мустақиллиги, ички ишларда олий ҳокимиятга эгаллиги. Суверенитетга ҳурмат ҳозирги халқаро ҳуқуқ ва мамлакатлараро муносабатларнинг асосий принципи сифатида БМТ Уставида ва бошқа халқаро ҳужжатларда мустақамлаб кўйилган.

"Ўзбекистон - суверен демократик республика (1-модда).

ЙЎЛИМИЗНИ ЁРИТИБ ТУРГУВЧИ МАЁҚ

Асосий қомусимиз қабул қилинган кундан буён ўтган уч йил шуни кўрсатмоқдаки, Конституциямизда ёзилган қонун-қоидалар фуқароларимиз ҳаётида ўз аксини топмоқда <...> Шу қисқа вақтнинг ўзи ҳам Конституциямизнинг нақадар етук ва нуфузли ҳужжат эканини тасдиқлади. Конституциямиз юксак савияда, демократия ва адолат тамойилларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилганини нафақат республикамиз фуқаролари, балки хорижий мамлакатларнинг давлат раҳбарларидан тортиб сиёсатчилару оддий фуқароларигача, шунингдек, халқаро ташкилотлар мутахассислари тан олди. Ана шу фактнинг ўзиёқ Конституциямизни юксак баҳолаш учун асос бўла олади.

Конституция – нафақат бугунги куннинг қомуси, балки у эртанги кунимиз, кураётган жамиятимиз истиқболларини аниқлаб берувчи ҳужжат, фарзандларимиз йўлини ёритиб тургувчи маёқдир.

Конституцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш – масаланинг бир жиҳати, холос. Масаланинг бошқа бир муҳим томони шундаки, қабул қилинган ҳужжатни ҳаётга татбиқ эта билмоқ, унга риоя этмоқ ҳам керак. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, республикамизда яшаётган ҳар бир фуқаро мансаби, касби, миллатидан қатъи назар,

Асосий Қомусимизга бенуксон амал қилиши лозим. Бу биз шу кунгача эришган ва келгусида албатта эришишимиз мумкин бўлган ютуқларнинг энг муҳим шартидир.

Республика Конституциясининг уч йиллик тўйини нишонлаш кунда фахр билан айтмоқчиманки, биз сўнгги йилларда қандай катта муваффақиятларга эришган бўлсак, бунинг барчаси, аввало, ана шу Бош Қомусимиз ва бошқа муҳим ҳужжатларга тўқис амал қилаётганимиз туфайлидир<...> Энг оғир кунлар ортда қолмоқда. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, кишиларимиз моддий аҳволини яхшилаш борасида зарур чора-тадбирлар қўллашни тағин ҳам изчил давом эттираверамиз. Бунинг учун бизда барча имкониятлар мавжуд. Бугун биз билан ушбу залда Ўзбекистоннинг биринчи қаҳрамонлари, Ватанимизнинг олий мукофотларига сазовор бўлган заҳматкаш инсонлар ўтирибди. Бундай фидойи кишиларимизнинг сафи ҳам келгусида янада кенгаяверади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг уч йиллигига бағишланган тантанали маросимда 1995 йил 7 декабрда сўзланган нутқдан.

КОНСТИТУЦИЯМИЗ МАЪНОЛАР ХАЗИНАСИДАН

Президент (лот. *praesidens, prae dentis* - айнан маъноси: олдинда ўтирувчи) - бошқаруви республика шаклидаги аксарият мамлакатларда давлатнинг маълум муддатга сайлаб қўйиладиган давлат ва ижроия ҳокимият бошлиғи; парламентар республикаларда фақат давлат бошлиғи. Парламент ёки махсус ҳайъат томонидан, президентлик республикаларида тўппа-тўғри ёхуд босқичли сайлов йўли билан, айрим мамлакатларда Вазирлар кенгаши томонидан сайланади.

“Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир” (89-модда).

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ БЎЛСИН

...Биз жаҳон маънавияти хазинасини бойитган улуғ алломалар меросхўримиз<...> Улкан маданий, маънавий меросга эгамиз. Дунёда бу қадар бой меросга эга бошқа халқ ҳам борми? Қонимизда ана шундай буюқлар қони оқар экан, биз фаровон ва гўзал турмуш яратиш учун беқиёс имконимиз бор, десак бўлади. Иккинчидан, эътиқодли ва меҳнаткаш халқимиз бор. У хорижликлардан бир неча баробар кам иш ҳақи олса-да, шундай меҳнат қияптики,

тасанно демай иложинг йўқ. У бугун янги билимларни эгаллаб, ўз қобилиятини оширмакда. Ёрқин келажак яратиш учун тинимсиз ҳаракат қилмакда. Бундай интилувчан, иродали меҳнаткаш халқ билан ҳар қандай олий мақсадларни амалга ошириш мумкин. Фақат ташкилотчилик керак, холос. Яхши яшашни истар эканмиз, биз тезроқ эскилик саркитларидан, иллатларидан қутулишимиз лозим. Конституциямизнинг асосий моҳияти ҳам инсонга муносиб ҳаёт шароитлари яратиш, уни бахтли қилишдан иборат.

Конституциянинг асосий моҳияти яна шундаки, у жамият ва унинг аъзолари олдига мақсад қўяди. Ана шу эзгу мақсадга эришишнинг йўлларини ўзида мужассам этади. Шу ўринда давлат, оила ва жамият манфаатлари, соддароқ қилиб айтсак, давлат ва инсон манфаатлари уйғунлашиб кетмас экан, ривожланиш сари олға силжиш бўлмайди.

...У (Конституция) жамият аъзоларининг тенглигини қайд этади, унга кафолатлар беради. Дарҳақиқат, раҳбарми, оддий ишчими, у амалда тенгдир, шу халқнинг вакилидир. Бизда айрим раҳбарлар мансаб курсисига эришгани ҳамонқ халқдан ўзини ажратишга уринади. Аслида, мансаб халқдан ўзини устун сезиш учун эмас, унга сидқидилдан хизмат қилиш учун берилади. Халқ орасидан ажралиб туришнинг биргина кўринишини оқлаш мумкин. У ҳам бўлса, фидойилик, бошқалардан кўра кўпроқ меҳнат қилиш, қаҳрамонликдир.

...Республикамизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари инсон ҳуқуқлари ҳимоясига катта аҳамият беришлари керак <...> Гоҳо қабул қилган қонун ва фармонларимизда кўзда тутилган мақсадлар амалга ошмаяпти. Уларни тўла амалга татбиқ этиш чораларини кўришимиз зарур. Қонунларга ҳар биримиз риоя қилганимиздагина муайян ҳуқуқий ҳужжат обрўга эга бўлади. У барчамизнинг манфаатимиз йўлида хизмат қилади.

...Агар инсон ўз юртидан ғурурланмаса, юртини ёмон кўзлардан, ниятлардан асрашда ўзини аяса, унда бундай жамиятнинг келажаги йўқ. Шу ўринда биз 660 йиллигини нишонлаётган буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг қуйидаги сўзларини яна бир қарра эслайлик. Соҳибқирон: "Бир гишт олган бўлсам, ўрнига ўн гишт қўйдирдим. Бир дарахт кессам, ўрнига ўн дарахт экдирдим", - деб ёзган эди. Биз юртимизни фаровон қилиш, авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш ниятида эканмиз, ҳар биримиз буюк бобокалонимизнинг ана шундай сўзларини маънавий бобокалонимиз зарур



...Бизда азалдан ота-онага ҳурмат, эҳтиром кўрсатиш қарор топган. Ҳар бир фарзанд ўз ота-онаси билан фахрланиши лозим. Ота-она ҳам фарзандлар ифтихор қилишига лойиқ кишилар бўлиши тақозо этилади. Чуқур ўйлаб қаралса, Шарқ фалсафасининг мазмуни ҳам шундан иборат. Биз қадриятларимизга риоя қилишга катта аҳамият бермоқдамиз. Демократияни қарор топтиришда миллий ўзига хослик ҳисобга олиниши ҳақида сўзласам, айрим мухолифлар бу сўзни тўғри англамаяптилар. Аммо, мен ўз фикримда собитман, уни ҳимоя қилишга ҳам тайёрман. Албатта, демократиянинг умумий талаблари барча учун қоида бўлиши керак. Бироқ биз – мусулмон халқимиз. Шарм-хаё, ор-номус ҳар биримизда мустаҳкам. Ғарбда агар шу қадриятлар ҳақида сўзласанг, сени тушунмасликлари ҳам мумкин. Ғарбча индивидуализм Шарқ кишисига ёт. Жамоат тартибида яшаш бизга мос. Маҳаллаларга алоҳида эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам шунда. Чунки маҳаллада кимнинг қандайлиги, ўз кунини ҳалол ёки қинғир йўллар билан кўраётгани кундай аёнدير.

...1997 йилни Инсон манфаатлари йили деб эълон қилсак, ҳар биримиз мана шу эзгу мақсад рўёбга чиқиши учун муносиб ҳиссамизни қўшсак. Шахсан менга келсак, агар халқим турмуш даражасининг ўсиши фақат менгагина боғлиқ бўлса, ҳатто жонимни ҳам беришга тайёрман.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимда 1996 йил 6 декабрда сўзланган нутқдан.

КОНСТИТУЦИЯМИЗ МАЪНОЛАР ХАЗИНАСИДАН

Парламент (нем., инг. *parlament*, фран. *parlament-parler* - гапирмоқ) - тўлиқ ёки қисман сайлов асосида таркиб топган қонун чиқарувчи олий вакиллик органи. Дастлаб XIII асрда Англияда аҳоли табақаларининг вакиллик органи сифатида шаклланган. Дунё мамлакатларида парламентлар турлича: Англияда - парламент, АҚШда - конгресс, Россияда - дума, Швецияда - ригсдаг, Норвегияда - сторинг, Германияда - бундестаг, кўпгина мамлакатларда миллий мажлис, халқ мажлиси номлари билан аталади.

Ўзбекистон Республикасининг парламенти Олий Мажлисдир.

"Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади" (76-модда).

ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ – МИЛЛАТ ФАРОВОНЛИГИ

Нима учун биз Конституциямизни ҳаётимизнинг Асосий Қо-муси деб биламиз?

Нима учун бу Конституциямизни давлатимиз байроғи, герби, мадҳияси каби қадрлаб, унга риоя ва амал қилишни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз деб билишимиз даркор?

Авваламбор, бунинг сабаби, бунинг замини шундаки:

1). Конституциямиз минг йиллар, асрлар давомида орзу қилиб келинган, танланган, интилаётган манзилимиз, ҳаётимиз, истиқ-болимизнинг шакли, маъно-қиефасини ўзида мужассамлаштирган.

2). Қурилаётган, барпо этилаётган давлат, жамият ва ҳар қандай фуқаро – инсоннинг ҳам ҳуқуқи, шу билан бирга, бурчини ҳам белгилаб, бир-бирига уйғунлаштириб, мувофиқлаштириб берган.

3). Инсон ҳаётини, ҳуқуқ ва эркинлигини энг қиммат ва энг устувор бойлик деб муҳрлаб берган, фуқароларнинг виждон ва диний эркинлигини таъминлаб берган.

4). Конституциямиз жамиятимизда, мамлакатимизда ҳукм су-раётган, ҳар қандай тараққиётнинг гарови бўлмиш тинчлик, осо-йишталик ва миллатлараро тотувликнинг пойдевори ва асосини ўрнатиб берди.

5). Ва энг муҳими – олдимизга қўйган мурод-мақсадларимизга эришиш учун аниқ йўл-йўриқларни, тинч-тотув, бой-бадавлат, озод ва обод ҳаётга эришиш учун қандай шарт ва талабларга муносиб бўлишимизни аниқлаб берган.

Содда қилиб айтганда, бир нарсани биз ўзимизга чуқур англаб олишимиз даркор:

- халқимизнинг, юртимизда яшаётган ҳар қайси одамнинг эзгу ниятлари, орзуларининг бажарилиши, амалга оширилиши Консти-туция қўйган талаблар, белгилаб берган қоида-кўрсатмаларнинг бажарилиши билан чамбарчас боғланган.

Бундай қараш, бундай ҳиссиёт ҳаммамизнинг онгимизга, керак бўлса, конимизга, суяқларимизга сингиб бориши зарур, деб ўйлаймиз...

Беш-олти йиллик тажрибамиз кўп нарсаларга кўзимизни очиб берди, тарбия берди.

Агар мендан ”Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг эришган энг катта ютуқлари нима?” деб сўрашса, мен шундай жавоб берардим: бизнинг одамларимизнинг ўзгарган, ўсиб бораёт-

ган маънавий қиёфаси, уларнинг маънавий бойлиги, миллий онги, сиёсий савияси.

Биринчи навбатда, бизнинг ёшларимизнинг, фарзандларимизнинг бугунги замон, бугунги жаҳон талаблари ва андозаларига ҳар томонлама жавоб берадиган билими ва савияси, шу билан бирга, аждодларимизга хос миллий ғурур, инсоний кадр-қимматимиз, ориятимиз юксалиб бораётганини кўриб, одамнинг кўнглида чексиз ифтихор ва эртанги ҳаётимизга, эл-юртимизнинг фаровонлигига сўзсиз ишонч уйғонади.

Бугун яхши тушунамизки, кўзланган марраларимизга етиш йўлида кўп ишларни бажаришимиз, кўп муаммоларни ечишимиз керак.

Мен бугун мана шу борадаги бир муҳим масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Сўз оила ҳақида, унинг жамиятимиз, ҳаётимиздаги роли, ўрни ҳақида бормоқда.

Ўзбекистон Конституциясида "Оила жамиятимизнинг асосий бўғинидир, ҳамда жамиятимиз ва давлатимиз муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга" (бўлиши шарт), деб ёзилган.

Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор.

Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади.

Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина давлатда оёқ-иштилик ва барқарорлик ҳукм суради.

Зеро, оила фаровонлиги – миллий фаровонлик асосидир.

Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар энг аввало оилада шаклланган.

Оила ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало, кўз ўнгимизда Она сиймоси шаклланади. Нима деганда, оила муқаддаслигини таъминловчи биринчи омил – Она, аҳли аёлнинг покизалиги, оқилалиги, меҳру муруввати, садоқати ва вафодорлигидир.

Инсон табиати, феъл-атвори гўдаклигидан шаклланар экан, миллий дунёкараш ҳам бола вужудига она сути билан киради.

Табиийки, Она алласи фақат чакалоқнинг ором олиши учунгина айтилмайди, балки унинг воситасида боланинг кўнгил дунёсига миллий руҳ киради. Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйғулар ва орзулар гўдакнинг жисму жонида илдиз қолдиради.

Буларнинг моҳиятини ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, оилага эътиборимизни тубдан ўзгартириш, оилаларни аввало, ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, эъозлаш, қўллаб-қувватлаш – бугунги кунимиз учун ва эртанги истиқболимиз учун нақадар муҳим ва долзарб эканлигини яхши тушунишимиз ва англашимиз даркор.

Менинг таклифим – **1998 йилни Оила йили** деб эълон қилсак, ҳар томонлама олижаноб иш бўлур эди.

Оила, унинг муаммолари, унинг иқболи ҳам давлатимиз, ҳам жамиятимиз эътибори марказида бўлиши керак...

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллигига бағишланган мажлисдаги табрик сўзидан, 1997 йил 7 декабрь.

КОНСТИТУЦИЯМИЗ МАЪНОЛАР ХАЗИНАСИДАН

Депутат (лот. *deputatus* - вакил қилинган, йўлланган) - қонун чиқарувчи ёки бошқа вакиллик органига белгиланган тартибда аъзо қилиб сайланган шахс.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат" (77-модда).

ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИНИНГ ҲАЁТБАХШ МАНБАИ

Конституциямиз, яъни ҳаётимизнинг Асосий Қонуни ҳақида, унинг ўрни ва аҳамияти, маъно-моҳияти ҳақида кўп гапириш мумкин. Хусусан:

- унинг давлатимиз, жамиятимиз ва ҳар қандай инсон саъй-ҳаракатларини, уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб ва чегаралаб берувчи Қомус сифатидаги жиҳатлари ҳақида;

- Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган қонун ва фармонларнинг ҳукмронлигини, Конституциямиз олдида барчамизнинг тенглигимиз ва масъулиятимизни таъминлаш масалалари, бир сўз билан айтганда, Конституциямизнинг ўзига хос ва ўзига мос бошқа хусусиятлари ва аҳамиятлари ҳақида алоҳида таъриф ва тарғибот қилиш зарур, албатта. Лекин, Конституция кунини нишонлашда ва умуман, Конституциямиз ҳақида гапирганда, унинг ўзида мужассамлаштирган хосиятлари ва хусусиятлари тўғрисида эмас, балки Конституция талабларининг амалдаги ҳаётимизда бажарилиши ҳақида кўпроқ гапирсак ўринли бўлади, деб ўйлайман.

...Кечаги ҳаётимизда қонунга муносабат қандай эди? Қонунни ўрганиш, қонун устунлиги, қонунга ҳамманинг бирдек итоат қилиши ва ҳуқуқий тарбия ҳақида умуман гап бормиди ўзи?

Оддий фуқаролар Конституция ва қонунларга итоат қилса-ю, коммунистлар ўз уставига амал қилса, бундай тузумда қонун устуворлиги ва адолат ҳукмронлиги бўлиши мумкинмиди?

Сир эмаски, аксарият кўпчилигимиз мана шу ижтимоий вазиятда, яъни қонун ва қонун талабларини камситиш муҳотида тарбия топганмиз, суягимиз ана шу шароитда қотган. Шунинг учун ҳам аксарият кишиларимизнинг қонуннинг ягона устувор куч эканини тан олиши ҳам, қонун олдида барчанинг тенг ва баробар эканига кўникиши ҳам ниҳоятда қийин кечмоқда. Биз эски тузум асорати деганда айни шу ҳолатни назарда тутамиз.

Бу муаммонинг яна бир қирраси борки, у ҳақда гапирмасдан бўлмайди.

Минг афсуски, Конституциямизда ўз ечими ва қарорини топган энг муҳим талаб – инсон ҳуқуқининг давлат ҳуқуқидан устуворлиги тамойили амалдаги қонунчилигимизда, давлат ва ҳуқуқий-маъмурий идоралар фаолиятида ўз тасдиғи ва ижросини тўлиқ тополмаяпти.

Лўнда қилиб айтганда, амалиётда биз кўпроқ эски кайфиятда, яъни кўпроқ давлат манфаатини кўзлаб, давлат манфаатини қўриқлаб иш тутмоқдамиз. Инсон манфаатлари ҳуқуқий тажрибамизда энг юксак ва энг устун қадрият бўлишини барчамизнинг онгимизга сингдириш жуда-жуда оғир кечмоқда.

Ахир, давлат деган тушунча нима учун керак? Авваламбор, инсон манфаатлари ва ҳуқуқлари, унинг тинч-тотув ҳаёти ва

келажани ташкил этиш ва химоялаш каби улуғвор мақсадларга хизмат қилиш учун эмасми?

Агарким, ижтимоий ва сиёсий, керак бўлса, иқтисодий ҳаётимиз олдимизга кўндаланг қўяётган мана шу масалани замон талабларига, демократик тамойилларга қараб тўғри ҳал қилмасак, кундалик фаолиятимизга татбиқ этмасак – барча баландпарвоз гапларнинг ва шиорларнинг маъноси ўзи йўқолади.

Ҳаётимизда қонун талаблари бузилиши ҳолатини вужудга келтирувчи бош сабаб – шуни яна бир бор айтишга тўғри келади – ижтимоий ташкилотлар, нодавлат ташкилотлар – маҳалла, аёллар, ёшлар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг ҳаётимиздаги таъсири ва ўрни етарли даражада шаклланмагани билан изоҳланиши мумкин.

Кўп йиллик ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, қонун устидан қонунчи, маъмурий идоралар устидан назоратчи, назоратчи устидан яна назоратчи ўтказиб қўйиш ҳеч қачон самарали натижа бермайди.

Кўпол бўлса-да айтмоқчиман: бундай тажриба фақатгина зўравонлар, порахўрлар ва таъмагирлар сонини кўпайтиради, холос. Бу – ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати.

Мен кўп бор айтганман, ҳозир яна бир қарра такрорламоқчиман: давлат идоралари, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатмасдан туриб мавжуд салбий иллатларни йўқ қилиб бўлмайди.

Бундай назоратни ташкил қилишда, жамоатчилик ва ижтимоий ташкилотлар билан бирга, авваламбор, фуқаролар ва жамоатчиликнинг эркин фикрини ифода этувчи оммавий ахборот воситалари иш олиб бориши, ҳақиқат ва адолат учун курашга қаттиқ бел боғлаши лозим.

Одамларимизда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада эмаслиги жамиятда адолат мезонларининг бузилишига олиб келмоқда. Очиғини айтганда, ҳар биримиз ҳам Конституция ва қонунларимиз берган ҳақ-ҳуқуқларимизни яхши билмаймиз ва уни химоя қила олмаймиз.

Мана шундай ҳолатда, аввало, тараққий топган давлатлар тажрибасига назар ташласак – уларда одамлар адвокат ва адвокатура идорасига кўпроқ муурожаат қилади.

...Одамлар фақатгина судга иши тушганда эмас, балки кундалик ҳаётида ҳам адвокатлар хизматидан, уларнинг маслаҳат ва тавсияларидан фойдалана оладиган бўлсинлар.

Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз биз учун назарий-ҳуқуқий ҳужжат – бурч ва мажбуриятларимиз мажмуасигина эмас. Балки у ҳаётимизни фаровон этиш, уни чинакам қонуний асосда қуриш, ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни таъминлаш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини ўрнатишнинг ҳаётбахш манбаидир.

Бу олижаноб мақсадларга эришиш учун барчамиз, аввало, Конституциямиз ва қонунларимизнинг туб моҳиятини англаб етишимиз ва уларни ҳаётга татбиқ этиш йўлида биргаликда қатъият билан курашмоғимиз лозим.

Яна ва яна такроран айтмоқчиман: адолат ва қонун устуворлиги учун, унинг талабларини ҳаётимизга жорий этиш учун биргалашиб курашмоғимиз, фидойи бўлмоғимиз керак. Қонун, яна бир бор қонун – каттаю кичик, жинсидан, миллати, эътиқоди ва мансабидан қатъи назар, – барчамиз учун устувор бўлмоғи даркор!

Инсон ва жамият, шахс ва оиланинг ўзаро муносабатлари, уларни табиий равишда уйғунлаштириш Асосий Қомусимиз пойдеворини ташкил этади...

Ишонаманки, бундан буён ҳам ота-боболаримиздан қолган, миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган, бугунги кун талабларига ҳам жавоб берадиган эзгу анъаналарга содиқ бўлсак, Аллоҳ таолонинг ўзи бизга инъом этган миллий ўзлигимизни қайтадан тикласак, бу билан доимо ғурурланиб, айни вақтда шу эътиқодимизга масъул бўлиб яшасак, иншооллоҳ, ҳеч қачон кам бўлмаймиз.

Бунинг учун эса ҳар бир инсон қалбида нафс балосидан, шайтон васвасасидан йироқ бўлиш, иймон ва инсоф, виждон ва адолат-парварлик туйғуларини уйғотиш зарур. Агар одамлар онгида шу инсоний туйғулар қарор топмас экан, ана шундай олижаноб фазилатлар жамиятимизда ҳукмрон бўлмас экан, давлат томонидан ўтказиладиган ҳар қандай чора-тадбирлар ҳам, суд-прокуратура идораларининг фаолияти ҳам кутилган самарани бермайди.

Фуқароларимиз тафаккурида ана шу олий туйғуларни тарбиялаш, яна бошқача айтганда, инсонга инсонлигини англатиш – бизнинг мафкура ва маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий мазмунига айланиши керак.

Мен 1999 йилни мамлакатимизда Аёллар йили деб эълон қилишни таклиф этаман.

Келгуси йилни Аёллар йили деб эълон қилишимизнинг сабаби нимада?

Аввало, бу Инсон манфаатлари ва Оила йили деб эълон қилиниб, кўп-кўп савобли ишлар амалга оширилган жараённинг манتيкий давоми бўлади. Чунки, Инсон, Оила, Аёл тушунчаларини бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Аёлларнинг жамиятимиздаги, ҳар биримизнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида жуда кўп ва узоқ гапириш мумкин. Мен инсонни инсон қиладиган ҳам, майиб-мажруҳ, бахтиқаро қиладиган ҳам оиладир, деган фикрни айтиб ўтган эдим. Шу мулоҳазани давом эттириб, айтишим мумкинки, **Худонинг марҳамати билан оилани оила қиладиган зот – бу Аёлдир.**

Улуғ донишмандлар Ватанга энг муносиб таъриф излаганда, уни Она сиймосига қиёс этганларида катта маъно бор. Дунёда "муқаддас" деган сўзга муносиб зот ҳам – Онадир.

Онани эъзозлаш – бизнинг миллатимиз, халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган фазилат. Чунки аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз.

Қаҳрамон шоиримиз Абдуллажон Орипов айтганидек:

Бу ёруғ оламда Ватан биттадир,
Биттадир дунёда Она деган ном.

Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Айниқса, аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзоз биз учун ибратли меросдир. Бежиз эмаски, Шарқда Аёлни фариштага қиёс қилишди. Чунки фаришталар Аллоҳ таоло яратган энг пок, энг бегуноҳ зотлардир.

Халқимизнинг буюк тарихида ўзининг жасорати ва матонати, ақл-заковати, нафосати ва назокати билан ўчмас ном қолдирган Тўмарис, Бибихоним, Гулбаданбегим, Зебуннисо, Нодира, Увайсий, Анбар отин ва бошқа юзлаб аёлларимизни ҳамиша эҳтиром билан тилга оламиз.

Улуғ момоларимизга хос бўлган олижаноб фазилатлар бугун ҳам мухтарам аёлларимиз сиймосида давом этиб келмоқда.

Аёлларга бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиромимизнинг яна бир сабаби шундаки, аёл – аввало, ҳар бир инсоннинг бешигини теб-ратадиган, оқ сути билан уни юрагига одамийлик фазилатларини сингдирадиган, уни ҳаёт бўронларидан асраб-авайлайдиган фидойи инсондир.

Биз бугун ёш авлод тарбиясига ҳар қачонгидан ҳам кўра катта аҳамият бермоқдамиз. Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз – бу ўсиб келаётган ёш авлодимиздир.

Аввал айтганимдек, мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдири ва келажагини ҳам ана шу ёшлар киёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида кўраман.

Шундай экан, ўсиб келаётган янги авлодни ким она алласи билан эзгуликка ўргатади, ким уни парвариш қилади, ким уни Ватанга, халққа садоқат руҳида тарбиялайди, ким уни етук инсон қилиб вояга етказди?

Албатта, халқ тақдири, миллат истикболи учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бу улуғ ва масъулиятли иш фақат оналарнинг кўлидан келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг олти йиллигига бағишланган тантанали маросимда 1998 йил 5 декабрда сўзланган нутқдан

КОНСТИТУЦИЯМИЗ МАЪНОЛАР ХАЗИНАСИДАН

Демократия (юнон. *demos* – халқ, *kratos* – ҳокимият: халқ ҳокимияти, халқ бошқаруви) – халқнинг ҳокимият манбаи эканлигини, давлат ишларини ҳал қилишда қатнашиш ҳуқуқини, шунингдек, кенг фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини эътироф этишга асосланган давлат шакли; бундай давлатда, сиёсий тузумда халқ ҳокимияти усуллари, фуқароларнинг қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган эркинликлари, тенг ҳуқуқлилиги ҳақиқатан амалда бўлади.

Акси: мустабидлик, диктатура, авторитарлик, якка ҳукмронлик - монархия; аристократия ва ҳ.к.

“Ўзбекистон халқи:

...демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб,.. ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади” (Муқаддимадан).

СОҒЛОМ АВЛОД – ХАЛҚИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Ҳақиқатан ҳам 8 декабрь – Конституция кунини юртимизда нишонлаш биз учун катта анъана ва одатга айланмоқда. Буни биз катта мамнуният билан таъкидлашимиз керак.

Бунинг сабаби нимада? Нима учун йилдан-йилга кундалик ҳаётимизда Конституциямизга муносабатимиз ўзгармоқда, унга ҳурматимиз ошиб бормоқда?

Бу саволларга жавоб топиш қийин эмас, деб ўйлайман.

Аввало, барчамиз бир ҳақиқатни англаб, тушуниб бормоқдамиз – бугун жамиятимизда қандай ютуқ ва марраларга эришаётган бўлсак, буларнинг пойдеворида Конституциямиз – буюк Ҳаёт қомусимиз турибди.

Шу билан бирга, яна бир тушунча ҳаётимизга кириб бормоқда. Биз жамиятимизда чиндан ҳам адолат ва ҳақиқат ҳукмронлигини ўрнатмоқчи эканмиз, юртимизда эски тузумдан қолган ноинсофлик, порахўрлик, таъмағирлик, коррупция, зўравонлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик каби барча ярамас унсур ва иллатлардан халос бўлмоқчи эканмиз, аввало, Конституциямиз ва қонунларимизга итоат этиш, қонун устуворлигини амалда ҳаётимизда таъминлаш зарурлигини ҳаммамиз яхши англаб олмоқдамиз.

Конституциямизнинг халқаро, демократик андоза ва талабларга жавоб бериши, унинг олдинги Конституциялардан мутлақо фарқ қилиши ҳақида сўз борар экан, биз, аввало, унда инсон ҳуқуқи, уни ҳимоялашга қаратилган барча кафолатлар алоҳида ўрин тутганини, асосий Қомусимиз инсон манфаатини давлат манфаатидан устун туришини муҳрлаб қўйгани ҳақида гапиришимиз керак.

Лўнда қилиб айтганда, эски замондан қолган, онгимизга, шууримизга ўрнашган асоратлардан воз кечиб, бир тушунчани аниқ англаб олишимиз даркор. Яъни, давлатимиз ва жамиятимиз қурилиши, янгиланиши йўлида олиб бораётган ислохотларимизнинг пировард мақсади – аввало инсон манфаатига, инсонга ва халққа хизмат қилишдир.

Шундай экан, Конституциямиз ва тегишли қонунлар билан мустақамланган ҳуқуқ ва кафолатлар, халқимизнинг манфаатларига бевосита дахлдор бўлган масала ва муаммоларнинг қандай ҳал этилаётганини таҳлил қилиш, унинг натижаларини кенг жамоат-

чиликка, бутун халқимизга етказиш ҳам ҳақиқий демократия ва адолат ҳукмронлигининг тасдиғи, деб айтса бўлади.

...Энди Конституциямиз халқаро андозалар, демократик тамо-йиллар талабларига тўлиқ жавоб беради, дейиш билан иш битмай-ди. Одамларни бугун мутлақо бошқа нарсалар қизиктиради: Де-мократик Конституция экан, у бизга амалда нима берди? Консти-туциямиз асосида қабул қилинган қонунлар оғиримизни енгил қи-ляптими? Бу қонунлардан шахсан менга, оиламга, меҳнат жамоам-га, яшаб турган қишлоғим, шаҳрим, мамлакатимга қандай наф ет-моқда?

...Шубҳа йўқки, ўтган йилларда эълон қилинган устувор йўна-лишлар, яъни Инсон манфаатлари, Оила ва Аёллар йилида белги-ланган мақсадларни амалга ошириш борасидаги эзгу ишларимиз янги йилда ҳам давом этади. Чунки бу масалалар бир ёки бир неча йил билан чекланмайди, доимо давлатимиз, жамиятимизнинг диқ-қат марказида бўлади.

Мана шу эзгу орзу-ниятларимизнинг узвий давоми сифати-да мен **Янги – 2000 йилни мамлакатимизда Соғлом авлод йили** деб эълон қилишни таклиф этаман.

Хўш, 2000 йилда соғлом авлод масаласини энг зарур, энг муҳим вазифа сифатида кун тартибига қўяётганимизнинг сабаби нимада?

Биз мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ соғлом авлод тар-биясини энг устувор вазифа деб белгиладик. Баркамол авлодни тарбиялаш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтардик. Мустақил Ватанимизнинг биринчи ордени "Соғлом авлод учун" деб аталгани, "Соғлом авлод учун халқаро жамғармаси" тузилгани бунинг тасдиғидир.

Бир сўз билан айтганда, олдимизга қўйган барча мақсадлари-мизнинг, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётимизда, давлатимиз, жамиятимиз қурилишида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг, эзгу туйғуларимизнинг маъно-моҳияти соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш эмасми? Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизни ишлаб чиққанимиз ва ҳаётга татбиқ этаётганимиздан мақсад ҳам айнан шу эмасми?

Биз соғлом авлод деганда, нимани тасаввур қиламиз? Соғлом авлод гоёси орқали биз олдимизга қандай мақсадларни қўямиз?

Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом наслни, нафақат жисмонан баққуват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом,

иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман. Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина кура олади.

Ҳеч шубҳа йўқ: соғлом авлод орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган муқаддас интилишдир. Агар ота-боболаримизнинг турмуш тарзига, тафаккурига назар солсак, улар насл-насаб, етти пуштнинг тозалигига, авлоднинг соғлигига жуда катта эътибор берганини кўрамыз.

Лекин соғлом авлод тарбияси осон иш эмас. У ҳар бир инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятдан жиддий эътибор ва узлуксиз меҳнат талаб қилади.

...Олижаноб халқимизнинг эзгу тасаввур ва тушунчасига кўра, ҳар бир одам дунёга келиб, учта хайрли ишни адо этиши лозим.

Биринчиси, соғлом ва оқил фарзанд тарбиялаб вояга етказиш.

Иккинчиси, ўз оиласи, фарзандлари учун иморат куриш.

Учинчиси, келажакни ўйлаб, яхши ният билан дарахт ўтқазиш.

Бу инсоний интилишларда миллатимизнинг баркамол авлод ҳақидаги орзу-умидлари ўз аксини топган.

Халқимиз азалдан бўй-басти келишган, ботир ва полвон ўғлонларни "қиличдек йиғит" деб эъзозлаган, улар билан ғурурланган.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз: "Аскарлари бақувват эл қудратли бўлур, қудратли элнинг аскарлари бақувват бўлур", деган. Шу фикрни давом эттириб, мен "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади", деб айтмоқчиман.

Менимча, бу гап, бу шиор бугунги ҳаётимизга, бугунги мақсадларимизга тўла мос келади.

Такрор айтаман, соғлом авлодни, соғлом наслни бирданига тарбиялаб бўлмайди, албатта. Бунинг учун кенг миқёсдаги кўпдан-кўп вазифаларни бажаришимиз, узоқни кўзлаб иш тутишимиз керак. Энг аввало, ҳар бир одам ўз соғлиги ҳақида қайғуриши, ҳар бир оила ўзидан соғлом насл, соғлом зурриёд қолдиришни ўйлаши зарур.

...Бизнинг эзгу ниятимиз – келажаги буюк давлат ва эркин жамият куриш. Бизнинг тараққиёт стратегиямиз соғлом авлод тарбиясига таянади ва уни ривожлантиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг етти йиллигига бағишланган тантанали маросимда 1999 йил 7 декабрда сўзланган нутқдан

КОНСТИТУЦИЯМИЗ МАЪНОЛАР ХАЗИНАСИДАН

Сенат - (лот. senatus, senex - оқсоқол, қария) - қадимги Римда олий давлат кенгаши. Россияда Петр I томонидан қонунчилик ва давлат бошқаруви ишларида олий орган сифатида таъсис этилган, 1711 - 1917 йиллар мобайнида императорга бўйсунувчи олий давлат органи сифатида фаолият кўрсатган. XIX асрнинг биринчи ярмидан давлат муассасалари ва амалдорларининг фаолияти устидан назорат қилувчи олий суд органи, 1864 йилги суд низомига кўра - олий кассация инстанцияси.

Бир қатор мамлакатларда (АҚШ, Италия ва бошқа) - парламентнинг юқори палатаси, айрим мамлакатларда шаҳар бошқаруви олий органининг номи.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат" ("Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги Қонун таҳриридаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 77-модда).

ХАЁТИМИЗНИНГ ДОИМИЙ ҚЎЛЛАНМАСИ

...Бугун кечаётган тинч ва осуда ҳаётимизнинг, эртанги кунга бўлган ишончимизнинг, халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимизнинг негизида Конституциямиз белгилаб, муҳрлаб берган қонуний ва ҳуқуқий асослар тургани ва уларни оғишмай ҳаётимизга татбиқ этаётганимиз мужассамдир.

Маълумки, дунёдаги ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир фуқаро, ҳеч бир одам ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур этолмайди.

Бошқача айтганда, улар кундалик ҳаётида Конституция белгилаб берган қоида ва ҳуқуқларга тез-тез мурожаат қилиб туради. Конституцияга ўзининг таянчи ва суянчи деб қарайди.

Минг афсуски – бу сир эмас – кўпчилигимиз Конституциянинг маъно-мазмунини яхши билмаймиз, уни синчиклаб ўрганмаймиз. Ваҳоланки, агар Конституциямизнинг моҳиятига кириб борсак, мағзини чаксак, бугун олдимизда турган кўпгина саволларга, муҳим муаммоларни ечишда жавоб топишимиз мумкин.

Бу фикрнинг тасдиғи тариқасида бир мисол келтирмоқчиман.

Шўро давридаги Ўзбекистон ССР Конституциясида инсон манфаатларидан давлат манфаатларининг устунлиги қонунлаштириб қўйилган эди.

Бугунги Асосий Қонунизмизда эса давлат ҳам, жамият ҳам, ин-вало, инсон манфаатларига хизмат қилиши, унинг ҳақ-ҳуқуқлари-ни ҳимоя этиши устувор тамойил сифатида аниқ белгилаб қўйилган.

Ва биз ўз ички ва ташқи сиёсатимизни, барча соҳада амалга оширилаётган ислохотларни ана шу тамойил негизида олиб бо-ришни ўзимизнинг энг муҳим мақсадимиз қилиб қўйганмиз.

Агарки мана шу устувор тамойил ҳаётимизда, авваламбор, дав-лат ходимлари, мансаб курсисида ўтирганларнинг ҳаёлида, онгида, амалий кундалик фаолиятида ўз аксини топганида эди, шу прин-цип, шу тамойил уларнинг қон-қонига, суяк-суягига сингиб кет-ганида эди, яъни ўзини мен ҳукмдор эмасман, балки менга ишонч билдириб танлаган одамларнинг хизматчисиман, деб ҳис қилга-нида эди, бугунги ҳаётимизда қанча бемаза, номақбул ишларга чек қўйилган бўлур эди.

Ёки мулкчилик, мулкка муносабат масаласини олайлик.

Эски Конституцияга биноан ишлаб чиқариш воситалари, жа-мики моддий бойликлар давлат мулки ҳисобланарди. Фуқаролар-нинг хусусий мулкка эга бўлиши, бойлик орттириши қатъиян ман қилинган эди. Бунинг оқибати нималарга, қандай натижаларга олиб келгани барчамизга маълум.

Демократик Ўзбекистон Конституциясида эса "ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли" экани, Ўзбекистон иқтисодиёти бозор муносабатларига асосланиши, унинг негизини хилма-хил мулк шакллари ташкил этиши, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуққа эга эканига кафолат берилди. Ишбилармонлик, тадбиркорлик ва ташаббускорлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилди ва мулкдорлар табақасини вужудга келтириш тамойиллари ишлаб чиқилди.

Бу қоида Асосий Қонунизмизнинг дунёвий тараққиёт талабла-рига тўла жавоб бера олишини кўрсатибгина қолмай, унинг узоқни кўзлаб, мукамал яратилганини ҳам исботлайди.

...Асосий Қонунизмизнинг 57-моддасида: "Конституциявий ту-зумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, респуб-ликанинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқаролар-нинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чикувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қи-лувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шу-нингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний

руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади”, деб қатъий кўрсатилган.

Бизнинг ҳаётимизга ҳар томонлама таҳдид соладиган бундай хавф-хатарларнинг олдини олишга, шу каби нохуш ҳолатларнинг ҳаётимизга киришига йўл қўймасликка қаратилган ушбу конституцион нормаларни ўз вақтида қабул қилмаганимизда бугунги кунимизда қандай бало-қазоларга дучор бўлишимизни ҳар қайси ақли расо одам англаб етади, деб ўйлайман.

Бир сўз билан айтганда, эски мустабид тузумдан озод ва эркин ҳаёт сари ўтиш даврини бошимиздан кечирар эканмиз, ўша ўта оғир ва мураккаб йўлда дуч келадиган тўсик ва синовларни енгиб ўтишда, барча муаммоларимизнинг қонуний ечимини топишда Конституциямиз кундалик ҳаётимизда асосий ва мустаҳкам пойдевор сифатида хизмат қилмоқда.

...Биз қонун устуворлигига эришгандагина ўзимиз учун мақсад қилиб қўйган адолатли, эркин жамият, фаровон ҳаёт барпо этишимиз мумкин.

Шундай экан, жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор.

Мен Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўргатишни, мактабларда дарслик тариқасида ўқитишни, олий ўқув юртларида махсус бир дарс сифатида ўрганишни бугун барча мутасадди раҳбар ва ташкилотларимизга топшириқ тариқасида айтмоқчиман.

Токи униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз Конституциянинг маъно-мазмунини, у халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан тарихий ютуғи эканини теран англаб етсин.

Токи Конституция биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки ғурур-ифтихор, керак бўлса, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам бир ҳимоя эканини ҳис этиб яшасин.

...Конституциямиз қонун олдида ҳамманинг тенглигини таъминлайдиган, ҳар бир инсоннинг ўз фикрини эмин-эркин ифода қилишида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этишида, бурч ва масъулиятларини бажаришида бамисоли қалқон бўлиб хизмат қилиши керак.

...Жондан азиз Ватанимизнинг тақдири, келажакимиз бугун униб-ўсиб келаётган ёш авлодга, унинг жисмоний ва маънавий ка-

молотига боғлиқ эканини ҳар бир юртдошимиз тобора теран аңлаб бораётгани барчамизни чексиз қувонтиради ва янги эзгу ишларимизни давом эттиришга, аввало, униб-ўсиб келаётган ёшларимизга, ҳаётимиз кўрки, меҳр-муҳаббат тимсоли бўлган, барча оналарга нисбатан эътиборни янада кучайтиришга даъват этади.

Шу муносабат билан мен ХХІ асрнинг биринчи йилини, яъни кириб келаётган **2001 йилни мамлакатимизда Оналар ва болалар йили** деб эълон қилишни таклиф этмоқчиман.

Кириб келаётган янги йилнинг ҳар жиҳатдан хайрли, саховатли ва баракали бўлишини умид қилиб, унга мана шундай ном беришимизнинг амалий, керак бўлса, рамзий маъноси бор.

Бунинг рамзий маъноси шундан иборатки, Янги йилни Яратганимизнинг буюк мўъжизаси бўлган барчамизни шу ёруғ дунёга келтириб, ўзининг бутун борлигини бағишлайдиган ҳаёт давомчиси бўлмиш Оналар ва жондан азиз болаларимиз тимсолида кўришимиз, ўйлайманки, жамоатчилигимизга, халқимизга маъқул келади.

Бунинг амалий маъноси шундан иборатки, биз Соғлом авлод йили деб номлаган 2000 йил мобайнида қилган барча эзгу ва савобли ишларимизни янги йилда ҳам давом эттиришимиз зарур.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2000 йил 7 декабрда сўзланган нутқдан

КОНСТИТУЦИЯМИЗ МАЪНОЛАР ХАЗИНАСИДАН

Референдум - (лот. *referendum* - хабар (маълум) этилиши, эълон қилиниши лозим бўлган масала) - давлат ҳаётининг муҳим масаласи: янги конституция, алоҳида аҳамиятга эга бошқа қонунлар қабул қилиш ва уларга ўзгартишлар киритиш мақсадида ўтказиладиган умумхалқ сўрови, овоз бериши.

"Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш таритиби қонун билан белгиланади" (9-модда).

ҚОНУНГА ҲУРМАТ, ҚОНУНГА ИТОАТ ҲАЁТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛСИН

Бугунги кунда Конституциямиз ҳақида сўз юритар эканмиз, энг долзарб, керак бўлса, энг буюк вазифамиз – Олий қомусимиз белгилаб, муҳрлаб берган асосий принцип ва тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишдан иборатдир.

Бу вазифани амалга оширишга нималар халақит бермоқда, олдимизда тўсиқ ва ғов бўлмоқда?

Биз бу борадаги муаммолар ҳақида кўп гапиришимиз мумкин. Лекин бу сабаблар орасида энг асосийси – аҳолимизнинг неча ўн йиллар мобайнида, тўрт-беш авлод умри давомида собиқ иттифок мафкураси ҳукмронлигида тарбиялангани, яъни бу тизимнинг салбий таъсири натижасида одамларимиз онгида қонунга беҳурматлик, уларнинг талабларига итоат қилмаслик, уларни бажармаслик хусусиятларининг ўрнашиб қолгани, десак, хато бўлмайди.

Табиийки, бундай шароитда яшашга мажбур бўлган одамлар онгидаги ана шу асоратлар ҳозиргача барҳам топган эмас. Яъни, қонун асосида эмас, буйруқ даражасига кўтарилган ғоя асосида яшашнинг таъсири, афсуски, ҳали-ҳануз сезилиб қолмоқда.

Ўйлайманки, мана шундай асоратлардан тезроқ халос бўлиш учун барчамиз – ҳам давлат, ҳам жамоат ташкилотлари ва ҳар қайси фуқаронинг ўзи қатъият билан ҳаракат қилиши керак. Биз жамиятимиз аъзоларининг, аҳолимизнинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялашимиз, юксалтиришимиз керак. Бу ҳақда кўп гапирамиз, тарғибот ва ташвиқот қиламиз, аммо, афсуски, ҳали бу ишларимиз керакли натижаларни бераётгани йўқ.

Агар эътибор берсак, Конституция ва қонунларга юксак ҳурмат даражасини, бунинг аҳамиятини кўпгина демократик давлатлар мисолида кўришимиз мумкин.

Айниқса, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Франция, Германия, Япония сингари илғор мамлакатларда Конституцияга бундай муносабат одамларнинг кундалиқ ҳаётидан мустаҳкам ўрин олган, айтиш мумкинки, уларнинг қон-қонига сингиб кетган.

Кўпгина бундай давлатларда болаларни ёшлик пайтидан парламентга экскурсияга олиб бориш одати бор. Мен бунга кўп жойларда шахсан гувоҳ бўлганман. Ҳатто Япония ёки Малайзия каби мамлакатларда эндигина мактабга қатнайдиган болалар парламент

биносига ҳурмат билан таъзим қилганини ўз кўзим билан кўрганман.

Бу таъзим – парламентнинг ҳашаматли биносига эмас, аввало, шу бинода қонунлар устида ишлайдиган депутатлар фаолиятига, мамлакат тақдирини ҳал қиладиган олий вакиллик идорасига бўлган эҳтиром рамзидир.

Керак бўлса, бу таъзимни мана шу бинода яратиладиган қонунларга ҳурмат, уларга итоат этиб яшаш ифодаси, деб баҳолаш лозим.

Бундай ёндашувнинг чуқур маъноси, катта ижтимоий аҳамияти бор. Нега деганда, ҳар қайси инсон Конституция ва қонунларга ҳурмат билан қарагандагина бошқалардан – давлатдан, давлат идораларидан, қонунни муҳофаза қиладиган, унинг ижроси учун масъул бўлган ходимлардан ҳам қонунни сўзсиз бажаришни талаб қилишга ҳаққи бор.

Ана шундагина бутун жамият тафаккурида қонунга ҳурмат ва итоат билан қараш ҳукмрон бўлади.

Жамиятимизда Конституция ва қонунларга мана шундай муносабат – ҳурмат ва итоат билан қарашни тарбиялашда кўп нарса, аввало, давлат идораси – суд ва прокуратура бўладими ёки милиция ва адлия органлари бўладими – мана шу идораларда ишлайдиган хизматчиларга боғлиқ эканини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз даркор.

Муҳтасар қилиб айтганда, одамларнинг қонунларга нисбатан ҳурмати, ҳеч шубҳасиз, аҳолининг ҳокимиятга бўлган ҳурмати билан чамбарчас боғланганини чуқур англаб олишимиз даркор.

Шу боис биз бундай қарашни мактаб бўладими, олий ўқув юрти бўладими, ҳаётнинг ўзида бўладими, минг бор тарғиб қилмайлик, аввало, қонунга ҳурмат масаласида бошқаларга ўрناк кўрсатиши лозим бўлган мансабдорлар, давлат ходимларининг ўзи ёшларимизга ибрат бўлмаса, қилаётган барча ишларимизнинг самараси ҳақида гапириш мумкинми?

Бундай даъватлар қуруқ сўз бўлиб қолмаслиги учун биз бугун нималарга кўпроқ эътибор беришимиз зарур?

Биринчилар қаторида яна ва яна бир бор одамларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, керак бўлса, умумий маданиятини ўстириш – бу, албатта, керак. Ўқув юртларида, ишхоналарда, ёшми, қарими – аҳолининг барча

катламлари ўртасида бу ишни узлуксиз олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, давлат хизматчиларини танлаш, кадрларни жой-жойига қўйиш масаласида, аввало, инсоф ва виждон, иймон ва эътиқод, диёнат ва меҳр-оқибат деган тушунчаларни ўзига бегона деб билмайдиган одамларга алоҳида эътибор қаратиш, ходимларнинг ишга, ўз вазифасига нисбатан масъулиятини ошириш, нопок йўлда юрганларини эса жавобгарликка тортиш – бу ҳам, албатта, муҳим масала.

Учинчидан, бу соҳада олдимизда турган вазифаларни бажариш учун назорат тизимини мустаҳкам асосда ташкил этишимиз ва уни такомиллаштириб боришимиз катта аҳамиятга эга...

...Ҳаётда ўзидан бирон-бир из, яхши ном қолдириш туйғуси одамни куч-қувватга тўлган, навқиронлик пайтида ҳам, кексайган чоғида ҳам тарк этмайди. Ҳаётга муҳаббат, ҳаётга ташналик ҳисси одамзот қалбидан бир умр ўчмайди.

Лекин, табиат қонуни шундайки, ойлар, йиллар, ўтиши билан одам балоғат, камолот даврларидан ўтиб, кексалик палласига қадам қўяди. Шундай пайтда у, аввало, ўз оиласи, фарзандларининг, керак бўлса, маҳалла-қўй, жамиятнинг эътибори ва кўмагига кўпроқ муҳтожлик сезади.

Шунинг учун биз бугунги камолимизда, ҳаёт йўлларида эришяётган ютуқларимизда ота-оналаримиз, мўътабар қарияларимизнинг беқиёс хизмати борлигини унутмаслигимиз, уларнинг оғирини енгил, ҳаётини фаровон қилишга интилишимиз лозим.

Бу азиз инсонлар биз барпо этаётган янги жамиятни қуришда ўзларининг бой ҳаётий тажрибаси, ибрати ва ўғитлари билан катта ҳисса қўшаётганини айниқса қадрлашимиз даркор.

Халқимиз "Қариси бор уйнинг париси бор", дейди. Ҳақиқатан ҳам, қаерда кексалар бўлса, уларга эътибор бўлса, шу жойда файз бор, барака бор.

Бундай хонадонни Оллоҳнинг ўзи асрайди. Мен буни кўп-кўп ҳаётий мисолларда кўрганман ва ўйлайманки, бу фикрга сизлар ҳам қўшиласиз.

Шунинг учун ҳам мана шу заминда истиқомат қилаётган, ўз меҳнати билан даромад топиб, фаровон ҳаётга қадам қўяётган ҳар қайси инсон ўз оиласини таъминлаш, иморатлар қуриш, мол-мулк

орттириш билан бир қаторда ота-онасига ҳам хизмат қилиши, уларнинг дуосини олиши ниҳоятда муҳимдир.

Шундай олижаноб интилиш, пок туйғу билан яшайдиган одамлар ҳеч қачон кам бўлмайди.

Ўйлайманки, биз мана шу кадриятларни ёшларимиз қалбига ҳам сингдира олсак, бу фазилатлар уларнинг инсоний эътиқодига айланса, юртимиздаги барча оилалар аҳил, осойишта ва бахтли ҳаёт кечиради, жамиятимизда доимо тинчлик ва барқарорлик ҳукм суради.

Азиз дўстлар, биродарлар, халқимизнинг ана шундай асрий кадриятларини инобатга олиб, юртимиздаги барча ёши улуғ инсонларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш мақсадида мен кириб келаётган янги – **2002 йилни мамлакатимизда Қарияларни кадрлаш йили**, деб эълон қилишни таклиф этаман...

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тўққиз
йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2001 йил 7
декабрда сўзланган нутқдан*

КОНСТИТУЦИЯМИЗ МАЪНОЛАР ҲАЗИНАСИДАН

Адвокат (лот. *advocatus* < *adocare* - таклиф қиламан) - ёқловчи; касби фуқароларга ва ташкилотларга профессионал ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдан, масалан, юридик маслаҳатлар беришдан, айбланувчини судда асосли ҳимоя қилишдан иборат бўлган юрист. **Адвокатура** - адвокатлар ташкилоти, ҳайъати - коллегияси.

"...Фуқароларга, корхона, муассаса, ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади" (116-модда).

ҲАЁТИМИЗНИНГ, ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Шуни очик тан олишимиз керак, қонун устиворлигини ҳаёти-мизнинг барча жабҳаларида таъминлаш, эскича фикрлаш, умуман, қотиб қолган қарашлардан тезроқ воз кечиш, ва аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олдинги ўрнига қўйиш ва шу асосда йўл тутиш, бу жараёнларни тубдан тезлаштириш бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалар бўлиб қолмоқда.

Содда қилиб айтганда, биз қандай ҳар томонлама чуқур ва пухта ишланган, юксак андозаларга асосланган қонунларни қабул қилмайлик, агарки, уларнинг норма ва талаблари амалда ҳаётимизда ўз кучини кўрсатмаса – шу йўналишда қилаётган барча ишларимизнинг самараси бўлмайди.

Биз қонунчиликка асосланган ҳуқуқий давлат қуришга интилаётган эканмиз, бундай ҳолатлардан юз ўгирмасдан, кочмасдан, аксинча, бунга олиб келувчи сабабларнинг таг-томирига етиб бориш ва уларнинг ечимини топишимиз зарур.

Бу барчамизнинг, аввало, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи идора ва ташкилотлар мутасадди раҳбарларининг бурчидир.

Бу каби вазият ва ҳолатлар нафақат бизда – мустақил тараққиёт йўлига ўтган ва Конституцияси энди ўн ёшга кирган мамлакатимизда эмас, балки энг ривожланган давлатларда ҳам учраб туриши мумкин.

Лекин, ҳеч шубҳасиз, хусусан биз учун бу масала бугунги кунда буюк истикболларимизни кўриш, халқимизнинг келажакка ишончини қозониш ва мустаҳкамлаш учун энг долзарб ва ҳал қилувчи масалаларнинг бирига айланмоқда.

Нега деганда, замонавий талабларга жавоб берадиган, эл-юртимизнинг асл ва чуқур манфаатларини инobatга олган қонунларни қабул қилиш – ўз йўли билан.

Айни пайтда бу қонунларнинг ҳаётимизда жорий бўлганини, ўз аксини топганини кўриш – бу одамларимизга мутлақо бошқача мамнуният бағишлайдиган ва уларни рози қиладиган вазият эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Кўпгина масалалар ва йўналишлар қаторида, уларнинг энг муҳимлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак:

Биринчидан, Конституциямиз ҳаётимизда ўз аксини тўлиқ топиши учун ҳали замон талаб қиладиган кўпгина янги қонунларни қабул қилишимиз шарт.

Биз қонунларнинг матни, маъно-мазмунини ҳақида кўп бош қотирамиз, аммо уларда белгилаб қўйилган талабларни амалга ошириш учун қонунчиликда муҳим аҳамиятга эга бўлган, шу қонунни жорий қилиш учун керак бўладиган актларни қабул қилишни, бу масала бўйича жавобгарликни жойига қўйишни кўпинча унутиб қўямиз.

Шу сабабли ҳам қонунларимизнинг неча фоизи ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда, қанчасини татбиқ этиш оғир кечмоқда, деган саволга жавоб бериш қийин.

Иккинчидан, жамиятимиз ҳаётида қонун устуворлигига эришиш учун ҳокимиятнинг уч тармоғи – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг ҳақуқий мустақиллигини таъминлаш зарур.

Шундагина ҳокимият тармоқлари орасида том маънодаги мувозанат қарор топади, содда қилиб айтганда, адолат тарозиси бузилмайди.

Аввало, суд ҳокимияти, суд органлари мустақил бўлиб ҳаммага ҳам бир кўз билан қараши – бу оддий фуқароми ёки мансабдор ва амалдорми – ҳар қандай ҳолатда ҳам қонун устуворлигининг таъминланишига эришишимиз даркор.

Учинчидан, ижро ҳокимияти ва идораларининг, яъни бу ҳокимлик ёки вазирлик бўладими – умуман, мансаб курсисида ўтирганларнинг ўзига юкланган вазифани адо этишда масъулияти ва жавобгарлигини янада ошириш лозим.

Бу талаб, аввало, маъмурий идоралар, қонунни муҳофаза қилувчи органлар ва ташкилотларга тегишлидир.

Тўртинчидан, нодавлат ва ижтимоий, ўзини ўзи бошқариш ташкилотларининг ва фуқаролик институтларининг роли, ўрни ва моҳиятини, уларнинг давлат корхоналари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур.

Биз бу йўналишда бугунги кунда фақатгина биринчи қадамларимизни қўймоқдамиз.

Бешинчидан, жамоатчилигимиз, аҳолимизнинг сиёсий ва ижтимоий савияси ҳамда фаоллигини ошириш даркор.

Мен бу масалани биринчи даражали масалага айлантириш керак, деб ўйлайман.

Ҳар қайси инсон ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашиши лозим. Ҳар қандай одам учун иймон-этикод деган сўзлар шунчаки, ҳавойи сўзлар эмас, аксинча, уни доимо қийнайдиган, виждонини уйғотадиган чуқур тушунчалар бўлса, бундай фуқаро атрофдаги одамлар, маҳалла-қўй, эл-юрт ташвиши билан яшаши шарт.

Барчамиз лоқайдлик ва бепарволикдан, сен менга тегма – мен сенга тегмайман, деган заифлик асоратидан бутунлай жудо бўлишимиз зарур.

...Илгари ҳам кўп бор айтган гапимни яна такрорламоқчиман: биз пок ва холис ниятлар билан яшасак, Оллоҳни доимо қалбимизда, юрагимизда сақлаб, ундан сўрасак, ишончим комилки, биздан меҳр-мурувватини ҳеч қачон дариф тутмайди.

Янги йилга ана шундай орзулар билан қараётган халқимизнинг фикрини, кайфиятини инобатга олиб, бу йилимизнинг ҳам ҳар томонлама хосиятли, файзу барақали бўлишини ният қилар эканмиз, менинг бир таклифим бор: кириб келаётган **2003 йилни “Обод маҳалла йили”** деб эълон қилсак.

Обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, айнан тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, қут-барақа ҳукмрон бўлган жойларни тасаввур қилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳалладек ноёб тизим ҳақида ортикча гапириб ўтиришга эҳтиёж йўқ, деб ўйлайман.

Нега деганда, ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз.

Шу боис, маҳалланинг ҳаётимиздаги мавқеи юксак, унинг қонуний, ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мустаҳкам бўлиб ривож топса, бу идорани жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми, қуйи бошқариш тизими сифатида нечоғли кучайтирсак, бунинг учун барча моддий-молиявий шароитларни ташкил қилиб берсак, ўйлайманки, бу ўз олдимизга қўйган олий мақсадларга эришиш йўлида катта қадам бўлади.

Барчангиз яхши биласиз, “Отанг – маҳалла, онанг – маҳалла” деган ҳикматда жуда катта маъно бор.

Агар биз бу иборанинг ҳақиқий мазмунини сўзда эмас, амалда намоён этмоқчи бўлсак, шу маҳаллада яшайдиган ким бўлмасин – бева-бечора ёки ногирон бўладими, омади келмаган бирон-бир оила бўладими, ёлғиз қолган қария бўладими – буларнинг барчасига нафақат моддий ёрдам беришимиз, аввало, меҳр-эътибор қаратишимиз зарур.

Шу борада, ҳеч шубҳасиз, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари кўмак-мададга муҳтож бўлган инсонларни ёлғиз қолдирмасдан,

уларнинг бошини силаб, бу одамларни ҳимоялаш учун, керак бўлса, давлат идоралари, мансабдорларнинг тинчини бузиб, тегишли ёрдам ва маблағни ундириб олиб, бугун қилаётган ишларининг самарасини янада кучайтирса, яъни маҳалла том маънода ота-оналик вазифасини ўтайдиган даражага етиб борса, биз кўп нарсага эришган, аҳолимизнинг розилигини олган бўламиз.

Бунинг учун аввало, давлат кўмагини янада кучайтириш, маҳаллага тегишли ҳуқуқий ваколатлар бериш, унинг низомини қайтадан кўриб чиқиш, имкониятларини кенгайтириш, биринчи галда, маҳалланинг моддий негизини мустаҳкамлаш ҳақида ҳаммамиз бош қотиришимиз, қаттиқ ишлашимиз керак.

Шу маънода, маҳалланинг туман ва шаҳар ҳокимликлари, маъмурий ва ҳуқуқни ҳимоя қиладиган ташкилотлар билан, керак бўлса, ижтимоий, нодавлат, сиёсий, ташкилотлар билан алоқаларини расмий, яъни ҳуқуқий асосда йўлга қўйиш, бу борада ечилмаган барча муаммоларни қонуний тарзда ҳал этиш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди, десак, хато бўлмайди.

Нега деганда, бу масалалар ечилмас экан, маҳалладан кўп нарсани талаб қилиш ўринсиз бўлади.

Шуни очиқ айтиш керакки, ҳақиқатан ҳам бугун биз маҳалла зиммасига кўп вазифаларни юкляпмиз.

Шунинг учун ҳам бугун қайси масалаларда ҳокимият, қайси масалаларда маҳалла масъул эканини қонуний нуқтаи назардан аниқ белгилаб қўйиш вақти келди, деб ўйлайман.

Бизнинг ҳаётимизни тебратадиган шундай бир соҳа борки, уни ҳеч қандай қонун ёки расмий ҳужжат билан чегаралаб, белгилаб бўлмайди.

Бу соҳа бевосита одамларнинг маънавияти, руҳий дунёси, мафкуравий онги, тафаккури билан боғлиқдир.

Шу жумладан, бир жойда яшаётган одамларнинг ўзаро алоқалари, оила муносабатлари дейсизми, кўни-қўшничилик дейсизми, куда-андачилик дейсизми – буларнинг барчаси ғоят ўзига хос, сирли бир олам.

Бундай муносабатларни фақатгина расмий йўл билан, қонун ва фармонлар билан белгилаб бериб бўлмайди. Ва бунга интилиш ҳам калтабинлик, деб ҳисоблайман.

Бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Шунинг учун ҳам Шарқ оламида, ислом фалсафасида одамларнинг маҳалла, яъни жамоа бўлиб

яшашида, жамият ҳаётида тинчлик ва осойишталикни сақлашда меҳр-окибатлик, шафқат ва мурувват нақадар катта ўрин тутганини англаш мумкин.

Шу сабабли, маҳалланинг аҳамияти ва ўрни ҳақида гапирганда, инсоннинг, оиланинг маънавий олами, ундан хабардор бўлиш, уни англаш, бу руҳий дунёга кўполлик билан аралашмасдан, унинг ижобий асосда шаклланишига нозиклик билан таъсир ўтказишда, ўйлайманки, маҳалладек идорага тенг келадиган бошқа бирон-бир восита йўқ...

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2002 йил 7 декабрда сўзланган нутқдан

ХАЛҚИМИЗ АҚЛ-ЗАКОВАТИ ВА ДОНИШМАНДЛИГИ САМАРАСИ

*Бўритош МУСТАФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди раиси*

Ҳар бир мамлакат ва жамият тарихида шундай улуғ саналар борки, уларнинг аҳамияти ва кадри давр ўтган сари ортиб бораверади. Халқимиз донишмандлиги, сиёсий ва ижтимоий-ҳуқуқий тафаккурининг самараси бўлмиш Конституциямиз қабул қилинган кун ана шундай тарихий саналар жумласига киради.

Конституциямиз қабул қилинганидан буён орадан ўтган ўн йиллик вақт шу ҳақиқатни исботламоқдаки, Асосий Қонунимизда акс эттирилган барча қондалар, ҳуқуқий нормалар фуқароларимизнинг кундалик ҳаётида яққол ўз ифодасини топмоқда.

Шу ўринда Конституциямиз қабул қилинган давр янги тарихимизнинг ўта мураккаб ва чигал кунларига тўғри келганини таъкидлаб ўтиш жоиз, деб ўйлайман.

Маълумки, Ўзбекистон халқи ўтмишда 130 йил мустамлакачилик, қуллик азобини тортди, миллионлаб қурбонлар берди; большевизм зулмини кўрди, коммунизм мафқураси билан суғорилган СССР Конституцияси амал қилган йиллардаги қатағон туфайли минглаб азиз фарзандлари, буюк зиёлиларидан айрилди.

1989 йил май-июнь ойларида Фарғона водийсида фожиали воқеалар рўй берди. Мамлакатимиз бошига оғир кунлар тушган ана шу вақтда Ўзбекистон раҳбари этиб Ислом Абдуғаниевич Каримов сайланди.

Юртбошимиз Фарғона, Паркент-Бўка, Ўш-Ўзгандаги даҳшатли фожиалар ичида юриб, ўз жасорати ва қатъияти, сиёсий иродаси билан юртимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлади.

Айни ўша пайтда халқимизнинг тарихи, хоҳиш-иродаси, маънавияти, маданиятини ўзида мужассамлаштирган янги, мустақил дунёвий давлат – Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини яратиш зарурати кун тартибига чиқди. Бу ғоя илк бор 1990 йил 24 мартда бўлиб ўтган ўн иккинчи чақириқ Олий Советнинг биринчи сессиясида тилга олинган эди.

Ушбу сессияда совет республикалари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда президентлик лавозими таъсис этилди.

Ҳали собиқ иттифоқ ўз кучини йўқотмаган, СССР, Ўзбекистон ССР Конституциялари империянинг мутлақ ҳукмронлигини ҳимоя қилиб турган кунларда бу – мамлакат раҳбари бошчилигида мустақиллик йўлидаги ғоят дадил қадам эди. Юртимиз тарихида илк бор жорий этилган президентлик институти янги Ўзбекистон давлат ҳокимияти органлари тизимида марказий ўринни эгаллади, сиёсий тизимнинг ўзаги бўлиб қолди.

Ҳаммага маълум, ўша кунларда Сиёсий бюро, Пленум, Съезд деб номланадиган, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан ҳам юқори турадиган қатағончи органлар марказда пичоғини қайраб турар эдилар. Шу кезларда турли шаклдаги дўқ-пўписалар, маломат тошлари Юртбошимиз бошига отилганлигидан кўпчилигимизнинг хабаримиз бор. Бу тошлар азоб-уқубатлардан эндигина кўкрагини кўтариб олаётган халқимиз кўксига ҳам отилмоқда эди.

Ана шундай фитналарга чек қўйиш мақсадида ва мустақиллик халқ иродаси даражасига кўтарилиши лозимлигини чуқур англаган Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 1990 йил июнь ойида бўлиб ўтган иккинчи сессиясида 64 нафар аъзони ўзида жамлаган Конституция комиссиясининг таркибини тақдим этиб, уни тасдиқлаб беришни сўради. Шу сессияда Мустақиллик декларацияси эълон қилинди. Декларациянинг 8-бандида Ўзбекистон «Ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилайди ва давлат белгиларини (байроқ, герб, мадҳия) ўзи таъсис этади», деган қоида мустаҳкамланди.

Конституция комиссиясининг раиси – Ислом Абдуғаниевич Каримов бошчилигида олимлар, мутахассислар, хорижий экспертлар янги Конституция лойиҳаси устида икки ярим йил давомида тинимсиз меҳнат қилдилар. Халқ иштирокида лойиҳа мукамал ишланди, чет эл тажрибаси ўрганилди, дастлабки босқичнинг ўзида 97 та хорижий Конституция таҳлил этилди.

1991 йил 31 августда Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Баёнот қабул қилди.

Шу сессияда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Конституциявий қонун қабул қилин-

ди. Конституциянинг асосий қоидаларини мужассам этувчи бир қатор муҳим моддалар Қонундан жой олди.

Хусусан, ушбу Қонунда «Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-худудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилайди», «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг қонунлари устундир. Ўзбекистон Республикаси давлат идораларининг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилади», деган қоидалар мустаҳкамлаб қўйилди.

Мазкур Қонуннинг 14-моддасида эса «Ўзбекистон Республикаси халқаро иқтисодий муносабатларнинг мустақил субъекти бўлиб, чет эл инвестицияларини амалга ошириш шартларини, инвесторларнинг ҳуқуқларини белгилайди, ўзининг конвертация қилинадиган валюта жамғармасини яратади, олтин ва бошқа захираларни, айрибошладиган валютани сотади ва сотиб олади», деб қайд этилди.

Шуни айтиш лозимки, айнан мана шу Конституциявий қонун янги Конституция қабул қилингунга қадар муваққат Конституция вазифасини ўтади.

Халқимизнинг мустақиллик, эркин ҳаёт учун кураши осонликча кечмади. Юртбошимизнинг бу йўлдаги амалий қадамларини тўхтатиш мақсадида марказдаги «доҳий»ларнинг раҳномолигида тезланган, тарбияланган партия-совет номенклатураси Олий Советнинг 1991 йил октябрь ойида бўлиб ўтган еттинчи сессиясида Президентни қонунсиз равишда ағдаришга уринди. Бу ҳолат Конституцияни яратиш ва қабул қилиш ҳаёт-мамот зарурияти эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

1992 йил 26 сентябрда янги Конституциянинг лойиҳаси тайёр бўлди. Лойиҳа шу кунга умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди.

Конституциявий комиссияга фикр-мулоҳазалар билдирилган 600 тага яқин хат келиб тушди. Фуқароларимиз билдирган таклифлар сони 5 мингдан ошиб кетди.

1992 йил 21 ноябрда лойиҳа иккинчи марта умумхалқ муҳокамаси учун газеталарда чоп этилди. Ушбу ҳолат Асосий Қонунимизнинг халқчиллигини таъминлади.

Конституция лойиҳасининг биринчи варианты 158 моддадан иборат эди. Комиссия раиси Ислом Абдуғаниевич ҳузуридаги муҳокамада бир неча ўнлаб моддаларга шахсан Раис таҳририда қайта ишлов берилди. Матнлар ҳажми катталиги, такрорланаётган фикрлар устида жиддий ишланиши, аниқлик киритилиши зарурлиги кўрсатилиб, бу вариант ишчи гуруҳига қайтарилди.

Иккинчи, учинчи, тўртинчи вариантда тайёрланган лойиҳалар ҳам Президент бошчилигида жиддий ва атрофлича муҳокама қилинди. Комиссия раҳбари томонидан учинчи вариантга 63 та, тўртинчи лойиҳага 77 та принципиал ўзгартириш ва муҳим қўшимчалар киритилди.

Масалан, Конституциянинг муқаддимаси «халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда», деган сўзлар билан тўлдирилди.

Лойиҳанинг 1-моддасидаги «Ўзбекистон – демократик республика» жумласига Президент «суверен» деган сўзни қўшиб қўйди.

4-моддадаги бир хатбошида «Унинг ҳудудида яшайдиган барча миллатлар ва элатлар тилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминланади, тилларни ривожлантириш учун шароит яратилади», дейилган эди. Президент бу хатбоши ўрнига ўз қўли билан: «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истикомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади», деб ёзиб қўйди.

17-модданинг иккинчи хатбошида «Республика бошқа давлатлар билан ҳамкорликда умумий фаровонлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида ўзининг суверен ваколатларини ўзаро ҳамкорликда амалга ошириш шартларига келишган ҳолда идтифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши, шунингдек иттифоқлардан, ҳамдўстликлардан ва бошқа давлатлараро тузилмалардан чиқиши мумкин», деб ёзилган эди. Президент ушбу хатбошини «давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари», деган сўзлар билан тўлдирди, унинг таҳриридан кейин у қуйидаги ҳолга келди: «Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин».

Юртбошимиз таклифи билан 26-моддага айбсизлик презумпцияси тамойилига асосан шахснинг «айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди», 27-моддага эса «Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошқор қилиши мумкин эмас», деган қоидалар киритилди.

Комиссия раҳбари виждон эркинлиги масаласига жуда катта эътибор берди. Лойиҳада бу ҳақдаги «Ҳар бир киши виждон эркинлиги ҳуқуқига эгадир, ҳар ким хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч бир динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига, диний ва атеистик эътиқодга эга бўлиши ва бундай эътиқодни тарқатиш ҳуқуқига эгадир», деб ёзилган жумлани Ислоом Абдуғаниевич тузатиб, «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди», деб таърифлади.

Юртбошимиз олий қонун чиқарувчи органнинг номини Олий Мажлис, жойлардаги бошқарув раҳбарларини ҳокимлар, деб номлашни таклиф этди.

Юқорида келтирилган мисолларга асосланиб, ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, Президентимиз Конституциянинг ҳар бир моддасини чуқур асослаш ва такомиллаштиришга бевосита бош-қош бўлди.

Шундай мураккаб ва унумли ижодий меҳнат натижасида Ўзбекистон халқи 1992 йил 8 декабрда инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,

- ҳозирги ва келажак авлодлар олдигаги юксак масъулиятини англаган ҳолда,

- ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб,

- демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб,

- халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидаларининг устунлигини тан олган ҳолда,

- республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб,

- инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни қўзлаб,

- фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида, Ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилди.

Қомусимиз халқимиз ақл-заковатининг маҳсули бўлиб, унда мужассам этилган миллий ва умуминсоний тажриба жамиятимиз равнақиға хизмат қилмоқда.

Асосий Қонунимизга мувофиқ, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Президенти ва Олий Мажлис иш олиб бориши мумкин.

Давлат органлари, мансабдор шахслар халқ иродасига бўйсунди, унга хизмат қилади ва жамият, фуқаролар олдида масъулдирлар.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципиға асосланади.

Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти, унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик нормаларига асосланади.

Барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларға эға, улар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Ҳар бир шахс мулкдор бўлишға ҳақли, жамиятнинг иқтисодий негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Хусусий мулк дахлсиз, давлат ҳимоясида.

Жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар ўзларининг демократик йўл билан сайлаб, тайинланиб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар.

Халқаро ҳуқуқнинг устуворлигини тан олишимиз ёш мустақил давлатимизға энг нуфузли халқаро ташкилотларға тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириш имконини берди. Халқимиз Конституциядаги демократик қадриятлар ва илғор ғоялар орқали маърифий дунёни англаётган бўлса, дунё Конституциямиз орқали халқимиз табиати ва олижаноб фазилатларини англамоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотларининг тўлақонли аъзосидир.

Америка Қўшма Штатлари, Германия, Франция, Япония, Италия, Бельгия, Буюк Британия, Жанубий Корея каби давлатлар ва бошқа бир қанча мамлакатлар билан яқин муносабатлар ўрнатилди.

Ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун замонавий технологияларга эга бўлиш, иқтисодиётимизга инвестицияларни жалб этиш йўлини кенг очиб бермоқда.

Президент Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлигида мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилган, пухта ўйланган дастур ишлаб чиқилди. Биз танлаб олган миллий тараққиёт йўли Конституцияга асосланган бўлиб, ўзгармас йўлдир. Чунки бу йўлнинг тўғрилигини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Юртбошимизнинг «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» деб номланган асарида қайд этилганидек, бешта асосий тамойил Ўзбекистон давлат қурилиши ва иқтисодиётини ислоҳ қилиш дастурининг ўзагини ташкил қилди.

Кейинчалик дунёда «ўзбек модели» деб ном олган бозор муносабатларига ўтишнинг беш асосий тамойили асосида амалга оширилган ислохотлар ҳозирги кунда ўзининг салмоқли натижасини бермоқда. Республикада дон, ёқилғи-энергетика мустақиллигига эришилди. Машинасозлик, автомобилсозлик, йўлсозлик, химия, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа қатор соҳалар жадал ривожланмоқда. Янги телекоммуникация объектлари барпо этилди, шаҳар ва қишлоқлар ободонлаштирилди, ўнлаб, юзлаб янги ва замонавий корхоналар қурилди. Энг муҳими, ер, мулк ўз эгасини топмоқда. Хусусий мулк эгаларининг иқтисодиётимиздаги улуши тобора ортиб бораёпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» номли маърузасида «Бизнинг вазифамиз мамлакатимизни, жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилаш йўлидаги ҳаракатларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва сўзсиз, бу борада амалга оширган ижобий ишларимизни қатъият билан давом эттириш, уларни халқимиз орзу қилган марраларга етказишдир», деб таъкидларкан, бу мақсадга эришиш борасидаги устувор дастурий йўналишларни аниқ-равшан белгилаб берди. Булар: мустақилликни

асраш, ҳимоя қилиш, мустаҳкамлаш; хавфсизлик, барқарорлик, ҳудудларимизнинг яхлитлиги, тинчлик, осойишталикни таъминлаш; бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмаларини яратиш; инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, сўз ва матбуот эркинлиги, ошкораликни таъминлаш, демократик тамойилларни ҳаётга жорий қилиш; жамиятни эркинлаштириш, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотларининг ролини кучайтириш; суд ҳуқуқ соҳасида бошланган ислоҳотларни изчил давом эттириш; инсон омили, кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати, маънавият, маърифат, шахсни камол топтиришга қаратилган ҳаракатнинг узлуксиз олиб борилиши; қуроли кучлардаги ислоҳот.

Конституцияда белгиланган мақсадлар сари дадил қадамлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Ҳозирги ва келгуси авлодлар бундай самарани муносиб баҳолаб, Конституция ижодкорларини юксак кадрлаши шубҳасиз.

Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг қоидаларини ўзида мужассам этган, энг йирик, ривожланган давлатлар ва жаҳон ташкилотларининг ҳуқуқшунослари ўртасида демократик конституциявий қонунчиликнинг мезонларига тўла мос келади, деб тан олинган.

Асосий Қонунимизнинг ўта муҳим жиҳати шундаки, унинг барча қоидалари, бутун ички салоҳияти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга йўналтирилган. Унинг қабул қилиниши замонавий парламентаризм анъаналарига мос қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тизимини ташкил қилувчи янги давлат идоралари вужудга келишига йўл очди. Булар Олий Мажлис, Конституциявий суд, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва Амалдаги қонунчилик мониторинги институти, янги маҳаллий бошқарув органлари — ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ҳоказолардир.

Конституциямизнинг 46-моддасида хотин-қизлар ва эркаларнинг тенг ҳуқуқлилиги мустаҳкамлаб қўйилган. Мамлакатимиз Президенти қайта-қайта таъкидлаганидек, оналарни эъзозлаш, аёлларга ҳурмат бажо келтириш жамиятимиз маданий даражаси ва маънавий кифасининг кўрсаткичидир. Оналарга, аёлларга чексиз ҳурмат, болажонлик, етимларга мурувват ва уларнинг бошини силаш, меҳр-шафқат, оила мустаҳкамлиги учун гамхўрлик, фарзанд

тарбияси ва соғлом авлод учун курашиш – буларнинг барчаси халкимизга хос эзгу фазилатлардир.

Шарқона ахлоқ-одобнинг дурдона мажмуаси бўлмиш «Кобуснома»да айтилишича, ҳеч бир кимса «Ўзининг фойдаси учун ўзгаларга зиён етказмаслиги керак». Айнан мана шу маънодаги қоида Конституциямизнинг 20-моддасида куйидагича мустаҳкамланган: «Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт».

Асосий Қонуннинг 13-бобидаги моддалар жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солишга қаратилган. Унинг 56-моддасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, олимларнинг жамиятлари, оммавий ҳаракат ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади, деб белгилаб қўйилган. Шунинг билан бирга, бизда республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши чикувчи, урушни, миллий ва диний адоватни тарғиб қилувчи жамоат бирлашмаларининг тузилиши ман этилган.

Террорчи ташкилотларнинг ҳаракатлари бутун дунёга катта таҳдид солаётган ҳозирги даврда Конституциямизнинг ушбу қоидалари нақадар узоқни кўзлаб ишлаб чиқилгани ва улар бизни қандай хавф-хатарлардан сақлаётганини ҳар биримиз тушуниб етишимиз қийин эмас.

Бутун дунёда инсон онги, қалби ва дунёқарашини эгаллаш учун кураш янада кескинлашди. Президентимизнинг: «Ҳозирги замонда энг катта хавф – инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади», деган фикрлари замирида бугунги куннинг улкан ҳаётий ҳақиқати ётибди.

Ҳозирги пайтда террорчилик, кўпоровчилик, диний экстремизм, миллатчилик, маҳаллийчилик, ақидапарастлик ғояларини ўзига шиор қилиб олган айрим марказлар турли хил мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга уринмоқда, тинчлик, тараққиёт, инсон ҳақ-ҳуқуқи ва эркинлиги, миллий, диний тотувликка раҳна солмоқда.

Конституциямизнинг 12-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши», 61-моддасида эса: «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди», деб белгилаб қўйилган.

Мана шу конституциявий қоидаларни ғаразли мақсадда талқин қилиб, демократик жамият ўрнига диний ҳокимият ўрнатишга ҳаракат қилаётган бузғунчи ғоя тарафдорлари турли ялтироқ даъватлар билан ёшларни, одамларни йўлдан оғдиришга уринади.

Биз бундай бузғунчи кучлар, ғояларга қарши миллий истиқлол ғояси билан, жаҳолатга қарши маърифат билан кураш олиб бормоқдамиз. Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик ғояларининг мазмун-моҳиятини ёшларимиз онги ва қалбига сингдиришимиз бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

2002 йил 27 январда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг референдуми ўтказилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасида «Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади», деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Шу ўтган референдумга, биринчидан, мамлакатимиз парламентининг икки палатали қилиб ташкил этилиши масаласи ва, иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатларининг конституциявий муддатини етти йил қилиб ўзгартириш масаласи қўйилди.

Мазкур икки масалани ҳам бевосита халқнинг ўзи ижобий ҳал қилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 1-бандида Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир, деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Шу нуқтаи назардан қараганда, референдумга қўйилган масалаларнинг ижобий ҳал этилиши сиёсий барқарорликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда, иқтисодий ислохотларни муваффақиятли ўтказиш учун асос бўлаётир ҳамда бутун

куч ва салоҳиятимизни халқ манфаатлари йўлида фақат яратувчилик, бунёдкорлик ишига қаратиш имконини бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Конституцияси ҳаётимизнинг Асосий Қонуни сифатида миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлашни таъминлаётган, фуқароларимизнинг ҳаётий манфаатлари ҳимояси йўлида қалқон бўлаётган, тинч турмушимизга, осойишта меҳнат бағрида яшашимизга ишончли ҳуқуқий кафолатдир.

ХОЛИС ФИКР

“Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида ҳозирги замон жамиятларига уларнинг сиёсий-ҳуқуқий ташкил этилиши нуқтаи назаридан зарур бўлган деярли барча нарса мавжуд. Шахснинг мустақиллиги, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, мулкдорлик шаклларининг хилма-хиллиги, мафкуравий рангбаранглик, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий плюрализм, бошқариладиганларнинг розилигига асосланган ҳукумат сингари ва бошқа кўплаб демократик қадриятлар конституциявий тузумининг принциплари сифатида тасдиқланади. Узоқ йиллар давомида тоталитар-мустабид тартибнинг хомхаёл демократик ниқоби бўлиб келган турли кўринишдаги “шўрочиликлар” барҳам топтирилган”.

*Леонид Левитин,
Профессор.*

“Ҳақиқатан ҳам И. А. Каримов мустақил Ўзбекистон Конституциясининг ташаббускори, илҳомчиси ва асосий муаллифидир.

Ўзбекистон Конституцияси советлардан кейинги давлатлар - собиқ иттифоқдош давлатлар конституциялари орасида биринчи эди (МДХдаги бошқа барча давлатларда ва Болтиқбўйи давлатларида конституциялар кейинроқ, яъни 1992-1996 йилларда қабул қилинган).

Ўзбекистоннинг 1992 йилги Конституцияси ўзбек жамияти ва давлатининг барча энг муҳим соҳаларини тартибга солди, қисқалиги ва аниқ ифодаланганлиги, шунингдек, ўзига хос тузилиши билан ажралиб туради.

У 26 бобни ўз ичига олади (МДХ Конституциялари ичида энг каттаси)...

...У дунёдаги энг мақбул тузилишга эга конституциялардан биридир”.

*Дональд С. Карлайл,
америкалик профессор.*

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Асосий Қонунимиз тўғрисида

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат.....	4
Буюк келажагимиз ҳуқуқий кафолати.....	8
Асосий Қонунимиз тантанаси.....	13
Йўлимизни ёритиб тургувчи маёқ.....	15
Инсон манфаатлари йили бўлсин.....	16
Оила фаровонлиги – миллат фаровонлиги.....	19
Қонун ва адолат устуворлигининг ҳаётбахш манбаи.....	21
Соғлом авлод – халқимиз келажаги.....	27
Ҳаётимизнинг доимий қўлланмаси.....	30
Қонунга ҳурмат, қонунга итоат ҳаётимиз мезони бўлсин.....	34
Ҳаётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси.....	37
Б. Мустафоев. Халқимиз ақл-заковати ва донишмандлиги самараси.....	43

Конституция

Ўзбек тилида

Муҳаррир
Мусахҳиҳ
Дизайн ва
техник муҳаррир
Компьютерда
саҳифаловчи

Х. Муродов

Б. Эргашев

И.Жуманов

М. Ҳожиева

Босишга рухсат этилди 14.07.2003 й. Қоғоз бичими 84x108¹/₃₂.
Босма табағи 1,75. Нашриёт ҳисоб табағи 3,1.
60-сонли буюртма. Адади 2000 нусха.
Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
“Адолат” нашриёти,
Тошкент шаҳри, 700170, А. Муҳиддинов кўчаси, 26-уй.

АДОЛАТ